

# **АМЕРИКА**

## *мусулмонлари ҳаёти*



Рисолада Тагурийлар оиласи билан танишасиз

# МУНДАРИЖА

## ОИЛАВИЙ ҲАЁТ

**Суратлар ҳикоя қилади: Маънавий муштараклик . . . . . 2**

Америкада оила исломий анъаналарга хос етакчи аҳамиятини сақлаб қолаётир.



4

**Тагурийлар. Бир оила ҳақида ҳикоя . . . . . 4**

Тақводор мусулмонлар: доктор Яхё Тагурий, турмуш ўртоғи Сальва ва уларнинг уч нафар фарзанди одатдаги Америка шаҳарчасида тўлақонли ҳаёт кечирмоқдалар.

**Икки маданиятдан баҳрамандлик . . . . . 9**


**Суратлар ҳикоя қилади: Ислом чеҳралари . . . . . 10**

Америка бўйлаб олинган суратлар бу мамлакатда яшаётган мусулмонлар миллатининг хилма-хиллик кўлами жуда кенглигини кўрсатиб туриди.

## ИСЛОМИЙ ЖАМОАЛАР

**Суратлар ҳикоя қилади: Кундалик турмуш . . . . . 12**

Мичигандан то Нью Йоркка қадар. Суратларда Америка мусулмонлари орасидаги яқдиллик лаҳзалари акс эттирилган.



14

**Мусулмон муҳожирлиги тарихидан . . . . . 14**

Америкалиқ етакчи исломшунос олима мусулмонларнинг Қўшма Штатларга кўчиб келишлари тарихининг тўрт босқичи ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

**Америкалиқ мусулмонлар қаерда яшайдилар? . . . . . 20**

Харитада масжидларнинг штатлар бўйича миқдори акс эттирилган. Улар Калифорнияда кўпроқ, лекин ҳар бир штатда ҳеч бўлмаганда битта масjid мавжуд.

**Массачусетсдаги бир масжид . . . . . 22**

Харвард дорилфунуни профессори XX аср бошида тузилган мусулмонлар жамоаси вақти келиб ўз масжидларини барпо этганлари ҳақида ҳикоя қилади.



30

**ТАЪЛИМ**

**Суратлар ҳикоя қилади: Мусулмон мактаблари . . . . . 28**

Мазкур суратлар АҚШда болаларнинг исломий тарбия олиши учун кенг имконият борлигини кўрсатиб туриди.

**Калифорниялик мусулмон ўқувчилар . . . . . 30**

Жанубий Калифорниядаги давлат ўрта мактаблари юқори синф мусулмон ўқувчиларининг 11 сентябр воқеаларига муносабати. Газета мухбирининг ўзгалардан ўзгача ўсмиirlар билан сұхбати.

**Муаллим портретига чизгилар . . . . . 34**

Ровия Исмоил хафта мобайнида Охайдаги давлат мактабида болаларни ўқитади, шанба кунлари эса Ислом Марказида араб тили ва диний билимлардан сабоқ беради.

## ИБОДАТНИНГ ХИЛМА-ХИЛ МАНЗАРАЛАРИ

### Демографик маълумотлар ..... 35

Америка масжидлари бўйича яқинда ўтказилган тадқиқотлардан бири натижасида Қўшма Штатлардаги мусулмонларнинг дунёқарашлари, миллий мансубияти ва миқдорининг ўсиб бориши ҳақида маълумотлар тўпланди.

### Суратлар ҳикоя қиласи: Дуога қўл очиб ..... 36

Фотоочеркда Нью-Йоркдаги Мэдисон Авенюдан то Нью-Мексикодаги масжидга қадар бўлган манзиллардаги хилма-хил исломий ибодат масканлари ўз аксини топган.

### Америка масжидлари ..... 38

Масжидларнинг ўзига хос ва анвойи архитектураси Америка манзараларига уйғун тушмоқда.



38

### Суратлар ҳикоя қиласи: Моҳи Рамазонда ..... 42

Ушбу муқаддас ой мобайнида мусулмонлар Аллоҳга ибодат қиласидилар, ҳамда бошқа америкаликларга ўз динлари моҳиятини тушунтиришга интиладилар.

## ФАОЛИЯТ ОЛАМИ

### Суратлар ҳикоя қиласи: Иш устида ..... 44

Тадбиркор, савдогар, шифокор, хизматчи, хайдовчи – бугунги кунда мусулмонларни АҚШ иқтисодининг ҳамма соҳаларида учратиш мумкин.



44

### Эътиқод ва банк хизмати ..... 46

Ислом фоиз олишни ман қиласи, шунинг учун Миннесотадаги мусулмон жамоаларидан бири муассасаларга сармоя беришининг ушбу тақиқни бузмайдиган усулларини ўйлга кўймоқда.

## БОШ ОҚИМГА ИНТИЛИБ

### Жорж Буш нутқларидан иқтибослар ..... 50

### Аллома портретига чизгилар ..... 51

Жазоирда туғилган доктор Илёс Зархуний дунёдаги йирик соғликни саклаш илмий марказларидан бири – АҚШ Миллий Тиббиёт Институтларини бошқаради.



54

### Суратлар ҳикоя қиласи: Расмий тан олиш ..... 52

Кейинги йилларда мусулмонлар Америка ҳаётининг барча жабҳаларида фаол қатнашмокдалар. Ҳайитга бағишлиб чиқарилган почта маркаси, АҚШ Конгресси сессияларидан бирининг дуо билан очилиши бунинг исботидир.

### Мусулмонча рэп мусиқа ..... 54

Исломий қадриятлар Қўшма Штатларнинг йирик шаҳарларидаги ҳаёт суръати билан мутаносиб бўла оладими? Кўпчиликка манзур «Нейтив Дин» гурухи бу саволга ижобий жавоб беради.

**И**слом бугунги кунда Америка Қўшма Штатларида жуда тез ривожланиб бораётган динлардан биридир. Сўнгги таҳлил-тадқикотлар якунига кўра, хозир бу мамлакатда 1209 масжид мусулмонларга хизмат килиб турибди. Шуни таъкидламоқ жоизким, буларнинг ярмидан кўпроғи кейинги 20 йил мобайнида барпо этилган. Бугунги АҚШ мусулмонларининг 17-30 фойзи бошқа динлардан воз кечиб исломни қабул қилишган.

Америкача ҳаёт тарзи анъаналари бўйича ҳам, мамлакатга нисбатан кечроқ келиб ўрнашган мусулмон мухожирлари турмуш тамойилларига кўра ҳам оила ҳаётда устувор аҳамият қасб этади.

Мана, Калифорния штати Сан-Франциско шаҳри фуқароси, муҳандис Шохид Омонуллоҳнинг эътироғи: «Америка ва ислом қадриятлари, умуман олганда, бирбирига жуда муштаракдир. Уларнинг ҳар иккисида ҳам оила, имон-эътиқод, меҳнат-севарлик, инсоннинг ўзини камол топтириш ва жамиятни юксалтириш борасидаги масъуллиги каби тамойиллар юксак қадрланади.»

Ушбу рисола мураккаб мавзунинг ўзига хос мұқаддимаси бўлиб, у АҚШ мусулмонларининг фавқулодда ранг-баранг ва бой ҳаётларини қалам ва суратлар воситаси ила тадқиқ қилиш истаги тарзida дунёга келди. Оила мавжуд маданиятларнинг барчасида ҳам жамиятнинг ўзаги сифатида эъзозланади. Шунинг учун биз ҳам ушбу тадқиқотнинг биринчи хикояси оиласа бағишладик.



2



1


1. Америкага 1985 йили Ливандан кўчиб келган, ҳозир Мичиган штати Дирборн шаҳрида истиқомат қилаётган ва бу ерда беш фарзандни тарбиялаб вояга етказиган мусулмон аёл. Детройт-Дирборн худудида Қўшма Штатлардаги энг кўп сонли мусулмон жамоалари яшайдилар.

2. Имом Умар Муса (ўртада) таржимон ёрдамида Нью-Жерси штатига қаравали Форт-Дикс қочоқлар қишлоғида яшовчи этник албанларнинг никоҳ маросимини ўтказмоқда.

3. Пенсильвания штати. Уайтхоллдаги «Лихай Водийси» Ислом марказида пешин намози пайти. Тўрт ёшли болакай отасига эҳтиром ила қараб турибди.



3



4. Бұ мусулмон оиласи Калифорнияда яшайды.

# Тагурийлар:

## БИР ОИЛА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Филлис Макинтош

**Т**агурийлар хонадони кўп жиҳатдан асл америкача оила тимсоли дәя аталишга муносибdir. Улар Колумбия Федерал округига мансуб Мэриленд штатининг жанубида жойлашган, Вашингтондан узқ бўлмаган Ла-Плата шаҳарчасида умргузаронлик қиласидар.

Яхё Тагурий маҳаллий шифохонада патолог бўлиб хизмат қиласидар, сўнгги пайдада Чарльз округи тибиёт экспертигининг ўринбосари ҳамдир. Тагурий хоним эса Балтимор шаҳридаги Лойола номли коллеж талабаси. У тиббий маслаҳат магистри илмий унвонини олиш ҳаракатидадир. Сўнг эса ўқув юртларидан бирида лицензияли терапевт бўлиб ишлаш ёки хусусий шифокорлик фаолияти билан шуғулланишини орзу қиласидар.

Шахар четида яшайдиган аксарият оиласалар сингари Тагурийларнинг ҳам кўп вақтлари «йўлга кетади». Улар 8, 5 ва 3 яшарли фарзандларини мактабга, ракс синфи дарсларига, гимнастикага, изтопар қизлар (герлскаутлар)нинг машғулотларига шошқин жилғалардай ўз вақтида етказадилар.

Тагурийлар оиласи аъзолари – имони бутун мусулмонлар. Имон-эътиқод уларнинг фаол ва сермазмун турмушларида бош қадрият ҳисобланади. Шифохонадаги иши ошиб-тошиб ётганлигига, вактининг ниҳоятда чекланганлигига қарамай, доктор Яхё Тагурий, ҳеч бўлмаса кунда бир бора, шу яқиндаги масжидга бориб намоз ўқиди. У бъазан бу ерга зурёдлари билан бирга боради. Кундузги намозларини эса у кўпинча ўз ишхонасида ўқиди. Яхё Тагурийнинг сўзларига караганда, унинг аксарият ҳамкаслари мусулмон динида эмаслар. «Лекин, – дейди у, – ҳамкасларим хонам эшигининг ёпиқ эканини кўргач, ибодат вақти бўлганини тушунадилар ва халақит бермайдилар.» Унинг рафиқаси Сальва Умейш, ўзи таҳсил оладиган коллежга бориб келиш учун ҳар куни қарийб 180 миля ўйл босиб ўтишга мажбур бўлгани туфайли, асосан, ўйида эрталаб ва кечкурунлари ибодат қиласидар.

Филлис Макинтош Вашингтонлик эркин ижодкор, Колумбия федерал округи.



### ОИЛАНИНГ БУНЁДГА КЕЛИШИ

Яхё (хозир у 41 ёшда) Ливияда туғилиб вояга етган, ўша ердаги тибиёт билим юртида ўқир эди. 1987 йили у Кўшма Штатларда яшайдиган акаси ёнига кўчиб боришга ва танлаган ихтисоси бўйича таҳсилни Питтсбург шаҳри Болалар шифохонасида ҳамда Фарбий Виржиния штатидаги Маршалл дорилғунунида давом эттиришга қарор қиласидар.

Дўстлари Яхёни хозир 31 баҳорни кўрган Сальва билан таништириб кўйдилар ва 1992 йили икки ўш турмуш қуришди. Фарбий Виржинияда бир йил яшагач, эру хотин Алабама штатидаги Бирмингем шаҳрига кўчиб келишди. Яхё грант ёрдамида Алабама университетида илмини такомилга еткизди. Улар яна бир йил шу штатининг 20000 аҳоли яшайдиган Сельма шаҳрида туришди. ўтган асрнинг 60 йилларида бу



2



3



4



6



5

4. Тагурийлар оиласи ва жиян қизча суратга тушиш учун ёруғ хонага түплендилар.
5. Тушликдан сүнг Тагурийларнинг 4 фарзанди ва жиянлари севимли кўрсатувларни тамоша қилишни ёқтиришиади.
6. Доктор Тагурий овқатдан сүнг дастурхонни йигиштиришга кўмаклашяпти.

шаҳар афро-америкаликларнинг ўз фуқаролик ҳақ-хукуқлари учун олиб борган курашларида илғор сафда турган эди.

1996 йили Тагурийлар Сальванинг оиласига яқинроқ бўлиш учун шимолга отганишди. Аммо, тақдир тақозоси билан Вашингтонга яқин жойга келиб ўрнашишди. Колумбия Федерал округи, Мэриленд штати, Ла-Плата шаҳарасига келиб муқим бўлиб қолишиди. 6500 аҳоли истиқомат қиласидан ушбу шаҳарча АҚШ пойтахтидан бор-йўғи 40 миля жанубда жойлашган. Тагурийлар шаҳардан бир неча чақирим нарида, ўзига тўқ оилалар яшайдиган тинчгина мавзеда бинойидай уй қуриб олишиди. Бугунги кунда уларнинг каттагина, кўркам, замонавий ўйларини кўм-кўк дараҳтлар ҳамда анвойи ўйинчоқлар билан тўла болалар майдончаси куршаб туради.

Сальва хоним ҳам Ливияда таваллуд топган. У 11 ёшга тўлар экан, отаси Колумбия Федерал округидаги Вашингтон Жаҳон Банкига ишга ўтади ва оила Кўшма Штатларга кўчиб келади. Сальва Вашингтон яқинидаги Виржиния канораларида ўсиб-улғайди, шу ерда давлат ўрта мактаби ва коллежида тъзим олди.

Хоним болалик ва ўсмирилик кунларини эслар экан, ота-онаси унга турли ракс кечалари, базмлар, учрашувларга боришини манъ этганликларини айтади. ҳолбуки, ҳар хил кўнгилочар тадбирлар, ўйин-кулгулар билан вакт ўтказиш у тенги ёшлар учун одатий ҳол эди. Лекин бу тақиқлар Сальванинг кўнглига ортиқ соя соглани ўйқ. У шаҳарнинг ийрик туманларидан бирида вояга етди, бу ердаги мактабда унинг мусулмон дўстлари талай эди. «Жуда кўп нарсалар тақиқлаб кўйилган эди, – дейди у, – бундан ташқари ўзимизда ҳам ўша нарсаларга қизикиш ўйқ эди».

Сальва турмушга чиқар экан, аксарият ёш америкалик хонимлар каби эрининг фамилиясига ўтмади, қизлик фамилияси – Умейшни сақлаб колди. Шуни-да таъкидламоқ ўрнилики, кўргина аёллар каби у ҳам билим олиш ўйлидаги интилиши билан оиласи учун ғамхўрлик орасидаги олтин мувозанатни баробар тутишига астойдил ҳаракат қиласиди. Сўнгги кезлар бу хонадон Яхёнинг ота-онаси ва жияни хисобига яна кўпайган. Бироқ, ўзининг эътироф этишича, иш ва билим борасидаги максаду режалари қанчалик жиддий бўлмасин, унинг учун оила ҳаётнинг бош мазмунидир.

### ХИЖОБГА КИРИШ ҚАРОРИ

Ўрта мактабнинг юкори синфларига ўтгач хижобга кирадиган кўпгина америкалик муслима қизлардан фарқли ўлароқ, Сальванинг хижобга кирганига бир неча



йил бўлди, холос. – Аслида хижобга киришни доим ич-ичимдан орзу қилиб юардим, – дей изоҳ беради у. – Ҳозир хижобда юарканман, бунинг сабаби битта – парвардигорнинг иродаси шундай. Бу, бизнинг зохирий кўринишишимизни белгилаш истагида бўлган жамиятга эмас, яратган Аллоҳ ҳукмига бўйсунишнинг бир шаклидир.

Мазкур оила асосан кўпроқ масжид жамоати билан яқин муносабатда бўлсалар-да, Тагурийларнинг файримуслим кишилар орасида ҳам қадрдонлари бисёр. Оила аъзоларига яхши маълумки, улар яшаётган манзилнинг яқин-атрофида ўзлари ҳамда кўшилари бўлмиш жарроҳ-ортопеднинг оиласидан бўлак бирор-бир мусулмон йўқ. Лойола номли коллежнинг Сальва таҳсил оладиган кулулиётдаги 80 талаба орасида ҳам биргина унинг ўзи ислом динида.



2



3

1. Имони бут мусулмон оила – Тагурийлар нурафшон хонада ибодат қиласаптилар.
2. Доктор Тагурий Ла-Платадаги (Мэриленд штати) ўзи ва оиласи ибодат қиласадиган масжид олдида.
3. Магистрлик илмий унвони номзоди Тагурий хоним Лойола номли коллежда тадқиқот олиб бораётир.

Қизчалари – тўртингчи синф ўқувчиси Нур ва якинда боғчага бора бошлаган Юсер дастлаб насронийларнинг кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган тарбия муассасаларига қатнашган эди, мана энди бошланғич мактабда ўқишаётти – бу ерда ҳам улардан бошқа мусулмон йўқ. Қизалоқлар исломий байрамлар, ҳайт кунлари дарсга келишмаса, муаллимлар ва мактаб маъмурлари эътироz билдиришмайди. Аксинча, Нурнинг муаллимаси кейинги йилларда Мавлуд байрами билан деярли бир вактда келаётган Ииди Рамазон куни Сальва эълонлар тахтасига «Иид муборак!» деган ёзувни ёпишириб, синф хонасини бе заб кетганини самимий қабул қилди.

Фарзандларининг аксарият синфдошлари динлардаги фарқларга эътибор бермаса-да, она эмасми, Сальванинг кўнглида, «болаларим ўсмир ёшига етгандарида мен Вашингтон яқинида ўсганим даврларга қараганда мураккаброқ муаммоларга дуч келишмасмий», деган ташвиш-хавотир ҳам йўқ эмас. «Шундай хавотир бор, лекин бизнинг эътиқодимиз мустаҳкам, – деб изоҳ беради у. – Динлар орасидаги тафовутлар юзага келиши бизни ранжитмайди. Шундай ҳолларга тўқнаш келганимизда, ўз-ўзимизга: «Ҳеч киси йўқ, бизнинг ўйлимиз бощқа» – деб кўя қоламиз.

Атиги қирқقا яқин оила ибодат қиласадиган маҳаллий масжиднинг тугал диний таълим бериш учун зарур имкону маблағ топишга қўли қисқалик қиласди. Шу сабабли ҳам, жажжи Тагурийлар шанба ва якшанба кунларини боболарининг Виржиниядаги уйида ўтказиб, шу яқиндаги ислом мактабига боришиади. Баъзан эса бир соатда етиладиган бу мактабга ота-оналари ёки дўстлари билан бориб туришади.

Саккиз ўшдаёқ ибодат ва тиловат қилишни ўргана бошлаган Нур хафтада бир-икки маротаба қўшниларнинг биридан ҳам диний таълим олиб туради.

Нур ва Юсер хижобга киришадими? Ота-оналари якдиллик билан таъкидлайдиларки, буни қизчаларнинг ўзлари мустақил ҳал қилишлари лозим ва ҳеч ким бу борада уларга тазиқ ўтказмоқчи эмасдир. «Бунақа масалаларда тазиқ ўтказиш раво эмас, – деб хисоблайди Сальва. – Мен уларга уйда мажбуран ҳижоб кийдиришим мумкин, бироқ мактабга боришидан кейин олиб ташласалар, қайдан билай? Бизнинг кўз олдимизда ёки кўзимиздан нарида не иш килмасинлар – ҳар нарсани кузатиб тургувчи Парвардигорга бари аён бўлиб туришини уларга тушунтиромоқ афзалдир.»

«Аллоҳ кузатиб, кўриб тургувчиидир, уни қалбингизда сақлангиз», деган фикрни уқдира олсак бас, фарзандларимизнинг имон-эътиқоди кувват олади, мустаҳкам бўлади. Улар Парвардигори оламга, раббимизнинг ибодат, рўза, хайру саховат каби амалларни ёки кундалик ишларни сидқидилдан бажариш ҳакидаги амрларига бўйсунишга ўрганадилар, – деб қўшимча қиласди Яхё. – Ана шундагина хижоб кийиш ихтиёри ўз-ўзидан туғилиши табиий».

#### **ИБРАТ-НАМУНА – ИСЛОМ ТАРГИБОТИНИНГ АСОСИ**

Гарчи турмуш қурганларидан бери Тагурийларнинг ҳаёти Кўшма Штатларнинг у қадар космополитлашмаган (космополитизм – миллий ахлоқ ва урф-одатлардан умумжахоний ахлоқ ва урф-одатларнинг устун қўйилиши) манзилларида кечган бўлса-да, бироқ бу хонадон аҳли диний муросасизлик тазиқига дуч кел-



1



2

1. Тагурийлар оиласининг кенжада отасига кўмаклашяпти.
2. Доктор Тагурий ўз шаҳри Ла-Платада бу наврастада кунгабоқарнинг ўсишида рамзий маъно борлигини таъкидлайди. Шаҳарнинг бир қисмини йил бошида бўлиб ўтган тўфон нобуд қилган эди.

маганликларини эътироф этишиади. Улар ўз динларини кенг ёйишнинг энг маъқул ўйли гўзал хулқ, ибратнамуна эканлигига астойдил ишонадилар. «Одатда, ислом ҳакида кўп гапирмайман, – шарх беради Яхё, – бироқ шундай яшашга харакат қиласманки, атрофдагилар исломнинг қандай дин эканлигига менинг ҳаёттарзимга қараб баҳо берсинилар. Одамлар менинг кимлигимни англаб етсаларгина, шахс сифатида менга хурмат-эҳтиром кўрсата бошладилар».

Тагурийлар шуни эътироф этадиларки, ҳатто 11 сентябрда Бутунжахон Савдо Маркази ва Пентагонга қилинган тажовузлардан кейин ҳам улар американлик биродарлари хулқ-атворида нафрат-хусуматни сезмадилар. «ҳар ҳолда, бизнинг шахарда аксинча бўлди, – дея ҳикоя қиласи Яхё. – Ҳамشاҳарларимиз бизга таважжуҳ ва ғамхўрлик қилишди. Ишқилиб, ҳаммаси жойидами, сизни ҳеч ким ранжитатётгани йўқми, деб мунтазам сўраб туришди». Сальва, мазкур воқеалардан икки кун ўтгач коллежда кузги сабоқларини бошлар экан, курсдошларининг унга нисбатан илтифот ва эътибори оргтанидан ҳайратга тушди. «Улар мендан доим ҳол-аҳвол сўраб туришди. Келиб чиқиши Яқин Шарқдан бўлган кишиларга нисбатан муносабат ўзгаранидан қайғурар эдилар».

Бироқ Тагурийларнинг ғазаб ва норозилигига сабаб бўлаётган бир нарса бор, бу матбуот саҳифаларида тез-тез учраб турадиган «мусулмон жангарилиари» ёки «мусулмон террорчилари» каби иборалардир. Сальва, ахир Американинг ўзида туғилган, 1995 йили Оклахома-Ситидаги маъмурӣ бинолардан бирида кучли портлаш уюштириб 168 кишининг ҳаётига зомин бўлган Тимоти Маквей ёки конвертларга портловчи мослама жойлаб турли одамларга жўнатган «Unabomber»га ўхшаган террорчилар ҳам бор-ку, дея куйинади. Лекин сиёсий ғаразларни кўзда тутиб иш кўрган бу котилларга нисбатан матбуотнинг «насроний жангари» ёки «насроний кўпорувчи» деган иборалар кўллаганини билмаймиз, дейди у.

«Ислом ҳакида бундай фалат тасаввурлар тарқатишга уринишлар кўнгилга оғир ботади, – эътироф этади Сальва. – Ислом сўзининг замирида «тинчлик»

деган эзгу мазмун мужассамдир. Биз кимнингдир остонасини хатлаб ўтар эканмиз. «Ассалому алайкум!» деб айтамиз. Бу «Сизга тинчлик тилайман», деганидир. Ислом эзгулик ва тинчлик динидир. Таассуфки, ҳали жуда кўп одам буни англаб етгани йўқ».

«Бутунжахон Савдо Марказига ҳужум уюштирсанлар бу аъмолни диний манфаат йўлида қилдик, деб иddaо қилсалар-да, уларнинг қалбида Аллоҳ йўқ», – эру хотин Тагурийларнинг қатъий фикри шундай.

«Қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, террорист террорист бўлиб қолаверади, – деб ўз фикрини изоҳлайди Яхё. – Биз бу хил ёвузликларни дин ва эътиқод ила боғламаслигимиз даркор».

Тагурийлар, шунингдек, жаҳоннинг турли мамлакатларида яшайдиган мусулмонларни, уларнинг Америка ҳакида ўқиган, эшитган маълумотлари, Америка ҳалқи, хусусан АҚШда мусулмонларнинг аҳволи қандай эканлиги хусусида аниқ ва тўғри тасаввур бера олмаслиги мумкин дея огоҳлантирадилар. «Қўшма Штатларда мусулмонлар жуда кўп, – дейди Сальва. – Ислом бу мамлакатдаги динлар орасида энг тез ўсиб бораётган динидир. Мусулмонларнинг кўпчилиги аввал эътиқод қилган динларидан воз кечиб исломни қабул қилишган. Бирмингемдаги масжидимиз жамоатининг 80 фойизини малла сочли, мовий кўзли американликлар ташкил қиласи. Ҳолбуки, яқин-яқинларгача мен бундай ҳолга дуч келмас эдим».

«Энг асосийси, – деб илова қиласи у, – биз ҳақиқатан ҳам бу ерда ўз динимизга дунёning бошқа жойларига қараганда эркинроқ амал қила оламиз.»

«Агар Америкада астойдил меҳнат қилсанг, саъи-ҳаракатларинг шак-шубҳасиз муносаб тақдирланади, – деб хисоблайди Яхё. – Ўз дунёқарашинг бўйича яшаш ҳуқуки ва адолат устувор бўлган, Конституция ҳар бир одамни химоя қиласиган мамлакатда умр кечириш соадатdir. Биз Америкада яшаётганимиз чиндан ҳам улкан омад эканлигини ҳар лаҳза хис этиб турдикамиз».

## **ИККИ МАДАНИЯТДАН БАҲРАМАНДЛИК**

«Ўзимга алоҳида шахсий хусусиятлар нуқтаи назаридан баҳо беришни муҳим деб билмайман. Менинг ягона мезоним – менинг эътиқодим; у бўлса бошқа барча нарсалар мувозанатда бўлади. Мен ўзимни Америкада яшаётган мусулмон фаластинлик дея танийман».

– Доктор Лайло ал-Мароятий, АҚШ Халқаро Диний эркинлик комиссияси аъзоси.

«Мен нафақат америкалик бўлганим, Америка паспортига эгалигим ва у билан бутун дунёни кезишим мумкинлиги билан фаҳрланаман. Мен аслимни яширмай яшашим мумкинлигини, ўзлигимни Америкада мусулмон сифатида тўла рўёбга чиқаришим мумкинлигини ҳис этиб тураман. Бунинг маъноси шуки, мен эрталаб кунни бехавотир қарши оламан, кечқурун яна қўркув-хавотирсиз уйга қайтаман».

– Имом Яхё Ҳиндий, руҳоний, Колумбия Федерал округи, Вашингтон шаҳри.

«Икки маданиятга алоқадор бўлганим менинг омадим деб ҳисоблайман. Фарзандларим Истамбулда яшаган пайтларимиз қариндош-уруғларимиз орасида ҳукм сурган аҳилликни эслашади. Бизнинг телевизоримиз йўқ эди, ҳис-туйгулар, кечинмалар умумий эди. АҚШда эса шахсларни хурмат қилишади. Мен шахсий ҳаётимнинг дахлсизлигидан, ёлғиз қолишим мумкинлигидан, матбуот эркинлиги, сиёсий қарашларимни ифода эта олиш имкониданро хоҳатланиб яшайман».

– Нежва Ўзгур, мактаб директори, Пасадена, Калифорния штати.

Илмий тадқиқотлардан маълумки, қизлар одатда, айниқса ўғил болалар билан мусобақалашадиган бўлсалар спортдан ўзларини олиб қочадилар. Биз қизлар ўзларининг диний либосларидан тортинмай, маҳоратли спорччи бўлиб етишишларига ҳаракат қиласмиш. Биз уларнинг Америка жамияти асосий оқимидан четда колмасликларини, ўзларини бегона, ёт ҳис этмасликларини истаймиз. ҳижоб кийиб олган онанинг футбол ўйнаётган ўғлини кузатиб минбарда ўтириши ғайриоддий воеа эмас, оддий холга айланиши керак».

– Сиймин Исо, мураббия.

«Шундайлар борки, биз ҳеч қачон америкалик мусулмонлар орасидан бирор кимсани қайсиdir мансабга сайламаймиз, деб таъкидлашади. Мен уларга: «Шошманлар ахир, сиз Кеннеди деган католик президентликка номзодини қўйганда ҳам шундай дегандингиз», деб жавоб бераман».

– Суҳайл Хон, Конгрессмен ёрдамчиси.


«Жаҳондаги барча мусулмонлар Кўшма Штатлар ва Канададаги исломий жамиятларга умид назари билан қараб турибдилар. Бу жамиятларнинг равнағи, ўзига хос нуқтаи назари, маърифий билимлари, сафларининг кенгайиб боришининг ўзи дунёда исломнинг тараққиётига олиб келади деган умид бағишлайди».

– Мурод Уилфрид Хоффманн, Ислом ҳукуқшунослиги бўйича публицист.

«Мусулмонлар жамиятдан тобора ўзларига муносиброк жой талаб қила бораверадилар.» Улар ҳали-ҳануз ўзларини Америка ҳаётига «ўз» бўлиб кетмаган, ўғай гурух дея ҳисоблашади. Бироқ, улар ўз қадриятлари, анваналарини мустаҳкамлаш имконини берадиган мавқеларни эгаллашгач бу аҳвол ўзгаради... Ҳар бир мухожир жамоа ўз диний жамияти ва тақдирини она юртидагидан фарқлироқ равишда кураётгани учун, бу Америка тарихида «қизил-ок-мовий» воқеликдир. Ислом ибодатгоҳлари намоз ўқиш манзилигина эмас, биродарлик ва бирлик дастурларини ўзига тўла мужассам қилган марказлар вазифасини ўтамоқдалар. Айнан шундай ҳолатларни ўтган асрларда немис лютеранлари, ирланд ва итальян католиклари, голланд ислоҳотчилари ҳам бошдан ўтқизган эдилар.

– Давид Рузен, Хартфорд Семинарияси.

1



3





2



4



1. Келиб чиқиши ироқлик бу мўмин диққат-эътибор жамлигининг тимсолига айланган. У Мичигандаги масжидлардан бирига диндошлари билан ибодат қилгани келган.
2. Шимолий Каролина штатидаги Грейтер-Шарлотт жамияти. Мусулмон изтопар қизлар отряди йиғилишдан кейин изтопарлар қасамёдини тақрорлаб, мусулмонча дуо ўқимоқдалар.
3. Нью-Мексико штати Ислом Марказидаги динларо ибодатда иштирок этаётган аёллар.
4. Муқаддас Ийд-ал-Фитр куни Рамазон ойининг ниҳоясига тўғри келади. Мичиган штати, Дирборн шаҳрида ушбу кунни ибодат билан нишонладилар.
5. Бу мусулмонлар Нью Йоркдаги Ислом Маданият Марказида таҳсил оладилар.
6. Оҳайо штати Колумбус шаҳрида ахборот технологиясини ўрганаётган марокколик талаба Умар ибн ҳаттоб масжидида кечки намоздан олдин осуда жой топиб, Қуръон мутолаа қилияпти.
7. Атланта яқинида яшовчи қора танли мусулмонлар Ислом Масжиди атрофини жума намозидан кейин савдо-сотиқ учун қулай деб билишади. Кўшма Штатларда истиқомат қилаётган қора танли мусулмонларнинг кўпчилиги бу динни йигирманчи асрнинг олтмишинчи ва етмишинчи йилларида қабул қилишган.
8. Косоволик қочоқлар Сельвете ва Бакир мусулмонча тўйларидан кейин Форт Дикс қочоқлар қишлоғидаги (Нью-Жерси штати) маросимлар уйидан чиқиб келишмоқда. Кийимлар, ширинлик, никоҳ узукларини келин-куёвга бир неча ташкилот ва жамоалар ҳадя қилишди.





1



2



3

1. Вашингтонга яқин Шантилли шаҳарчасида (Виржиния штати) Ийд-ал-Фитр фестивали. Карусель учётган қизнинг завқу шавқи чексиз. Ушбу айёмга минглаб мусулмонлар қатнашдилар.
2. Дирборн. Кўнгилли икки аёл араб миллатига мансуб американликларга хизмат қиласидаган энг йирик клублардан бири қошидаги «ACCESS» Марказида ўз ишларини муҳокама қилишаётир.
3. Ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиси – мусулмон қиз Филадельфиядаги эстафетада қатнашмоқда (Пенсильвания штати).



4



5



4. Америкалиқ араб қызы Нью-Йоркнинг Бруклин күчаларидан бирида саудога құйилған калит занжирларини күздан кечирмоқда.

5. Мусулмон обидлар Нью-Йорк Ислом маданияти марказы ёнида жойлашған хот-дог дүкончаси ёнида.

# Мусулмон мухожирлиги

Жейн И. Смит

**X**озирги кунларда Кўшма Штатларда умр ке-чираётган мусулмонлар турли оқим ва ҳа-ракатларга мансуб одамлардир, улар ранг-баранг ижтимоий, диний ва сиёсий йўналишларнинг вакиллари хисобланадилар. Бу мусулмонлар орасида мухожирлар ва ерли халқ вакилларини, суннийлар ва шиаларни, сабит эътиқодлилар ва турли ўзига хос йўналишдагиларни, консерваторлар ва либералларни учратмоқ мумкин. Ҳозир АҚШ аҳолиси таркибида мавжуд мусулмонлар миқдорини аниқ белгилаш мушкул вазифа, лекин, шуни қайд этиш мумкинки, уларнинг ярмидан кўп қисми мухожир оиласаларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи авлодига мансубдир.

XVII–XIX асрларда Америка жанубидаги плантацияларда ишлатиш учун олиб келинган африкалик куллар орасида мусулмонлар ҳам бор эди: бироқ уларнинг жуда озчилиги ўз эътиқодларини сақлаб қола олдилар. Шунинг учун аксарият ислом тадқиқотчилари Америкага ислом XIX асрнинг охирида Яқин Шарқдан кўчиб кела бошлиган мусулмон мухожирлар билан кириб келган деган фикрда сабитдирлар. Мусулмон мухожирлигини бир-биридан ажralиб турган босқичлар («тўлқинлар») сифатида тадқиқ қилинса-да, муаррихлар орасида бу тўлқинларнинг даврини белгилашда ихтилоф мавжуд.

Илк мусулмонлар Америкага 1875–1912 йиллар ораларида, ҳозир Ливан, Сурия, Иордания, Фаластин Миллий Маъмурияти ва Истроил давлатлари эгаллаб турган минтақанинг қишлоқ жойларидан кўчиб келишди. Ушбу минтақа у замонлар Катта Сурия деб аталар ва Усмонли империяси тасарруфида эди. Бу минтақадан Америкага келган эркакларнинг кўпчилиги насронийлар бўлса-да, бироқ уларнинг муайян қисми мусулмон гурухлари эдилар. Ниятлари ўз иқтисодий ахволларини ўнглаш бўлган бу эркаклар асосан қишлоқ хўжалигидан иш топдилар ёки савдосотик билан шуғулландилар. Улар оила таъминоти учун етарли маблағни ишлаб топиши учун келишган, бу мақсад амалга ошгач юртларига қайтмоқчи эдилар. Мухожирлар орасида турк армиясида хизмат қилишдан қочиб келганлар ҳам бор эди. Уларнинг бари ҳам аста-секин АҚШнинг шарқий қисмida, ўрта Фарб ва Тинч океани қирғоғидаги сарҳадларда ўрнаша бошлидилар.

## МУХОЖИРЛИК ТЎЛҚИНЛАРИ

Биринчи жаҳон уруши тугаб, Усмонли империясининг парчаланиб кетиши Яқин Шарқ мусулмон давлатларидан мухожирларнинг иккинчи тўлқинини Америка қирғоқларига етказди. Бу Яқин Шарқ минтақасида Фарб мустамлакачилиги хукмронлик қилган даврларга тўғри келади. Ўшанда араб давлатларини «идора қилиш» учун мандатли худудлар тизими жорий этилган эди. Уруш Ливан бошига шу кадар хонавайронлик-



лар согландики, мамлакатнинг кўпгина фуқаролари факат жон сақлаш учунгина ўз юртларини тарк этишга мажбур бўлдилар. Бир қисм мусулмонлар Фарбга иқтисодий танглик билан бир каторда сиёсий сабабларга кўра ҳам кўчиб кетишди. Уларнинг кўпчилиги Кўшма Штатларга аввалроқ бориб ўрнашиб қолган хешу акраболарига бориб кўшилдилар.

АҚШнинг 1924 йили қабул қилинган мухожирлик бўйича янги қонуни Америкага кўчиб боришни истаган кишиларга «қайси миллатга мансублигидан келиб чиқиб руҳсат бериш (квота)» йўли билан ик-

# тариҳидан



XIX асрнинг иккинчи ярмида Нью-Йоркка жуда кўп сурялилар оиласалар кўчиб келишган эди. У. Бенгоу чизган суратда бу шаҳарнинг Қўйи Манхеттен даҳаси, Вашингтон кўчасида 1890 йилларда яшаган сурялилар мұхожириларнинг кундалик турмушки ва меҳнат фаолиятлари акс эттирилган.

кинчи тўлқиннинг шаштини кесди. Бу қонунга кўра, АҚШнинг 1890 йилдан сўнг чет элда туғилиб, кейин Америкага кўчиб келган фуқароларига нисбатан чеклашлар жорий этилган эди (кейинчалик бу сана 1920 йилга алмаштирилди). Ушбу тартиб оқибати ўлароқ, XX асрнинг 30 йилларида мусулмонларнинг Америкага кўчиб келишлари камайди, бора-бора энгоз микдорга тушиб қолди. Бу даврда Америкага юз тутганлар, асосан, илгарироқ кўчиб ўтиб ўрнашиб қолганларнинг қариндош-уругларидан иборат бўлди, чунки, қайд этилган қонун шартларига кўра қариндошларга

Жейн И. Смит хоним – исломшунос профессор, Хартфорд Семинарияси қошидаги христиан-мусулмон муносабатларини ўрганиши бўйича Макдональд маркази директорларидан бири. У, шунингдек, юқорида қайд этилган маузулар ёритиладиган «Muslim World» («Мусулмон дунёси») журналида ҳам мұхаррирdir. Кейинги пайтлар унинг қаламига мансуб «Islam in America» («Ислом Америкада»), «Oxford History of Islam» («Исломнинг Оксфорд тарихи»)да эълон қилинган «Islam and Christendom» («Ислом ва христиан дунёси»), «Muslim Communities in North America» («Шимолий Америкадаги мусулмон жамоалар»), «Mission to America: Five Islamic Communities in the United States» («Америкага хизмат: Кўшма Штатлардаги беш исломий жамият») каби асарлар нашардан чиқди.

алоҳида имтиёз бор эди. Америкада яшаётган мухожир мусулмонларнинг аксарият қисми, аста-секин она ватанга қайтиш истакларининг рўёбга чиқиши мушкул эканлигини, бу ерда эса уларни ва оиласларини кўллаб-куватладиган мадад ва тизим мавжуд эканлигини тан ола бошладилар.

Мусулмон мухожирлиги тарихининг 1947-60 йилларни ўз ичига олган учинчи босқичида Кўшма Штатларга исломий оламдан кўтарилган оқим яна кучайди, энди улар орасида наинки Якин Шарқ, балки бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам талай эди. 1953 йили қабул қилинган Фуқаролик ва Мухожирлик Қонуни квота тартибига ўзгаришилар киритди. Чунки янги қонун АҚШ ахолисининг 1920 йилдаги фоиз кўрсаткичларига асосланган ва бу давр мухожирларининг кўпчилик қисмини Farbий Европа вакиллари ташкил этарди. Шунга қарамай, Шарқий Европа (кўпроқ Югославия ва Албания)дан, Совет Иттифоқининг турли минтақаларидан ҳам мусулмонларнинг келиши тўхтаб қолгани ўйқ. Бир қанча мусулмон мухожирлар 1947 йили хиндистон ярим ороли бўлинниб кетгач, Хиндистон ва Покистондан АҚШ сари юзландилар. Агар дастлабки мусулмон мухожирлари кўпроқ Янги Оламнинг қишлоқ ва шахарларидан макон топган бўлсалар, учинчи босқич мухожирлари, келиб чиқишилари асосан шаҳардан бўлгани учун факат Нью-Йорк, Чикаго каби катта шаҳарларга келиб ўрнашдилар. Уларнинг бир қисми аввалини нуфузли бўлган хонадонларнинг фарзандларидан иборат эди. Бундай одамлар дунёкарашида Farbiga эргашиш хусусияти кучли бўлиб, улар дастлаб келгандарга қараганда илм жиҳатидан устунроқ эдилар, бинобарин, улар АҚШда ўқишини давом эттириш, илғор техника ютуқларини ўзлаштириш ниятида келган эдилар.

Мусулмон мухожирлигининг тўртинчи, энг сўнгги босқичи 1965 йили Президент Линдон Жонсон таклифи билан Янги қонун қабул қилингандан кейин бошланди, бунга кўра узоқ вақт амалда бўлган, миллий ва этник тамойилларга асосланган чеклашлар муомаладан чиқариб ташланди. Янги қонун бўйича АҚШ фуқароларининг қариндошларига ҳамда Кўшма Штатлар учун зарур ихтисос эгаларига имтиёзлар бериладиган бўлди. Янги қонун Америка давлати тарихидаги энг муҳим аҳамиятга зга хужжатлардан биридир, чунки у XX аср бошидан бери илк бор чет элликлар учун Кўшма Штатларга, миллатидан қатъи назар, кўчиб келиш имконини берди. 1965 йилдан кейин Farbий Европадан мухожирларнинг келиши камайди, айни вақтда Якин Шарқ ва Осиёдан АҚШга отланганлар нуфузи сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги вақтда шу минтақалардан Америкага кўчиб келаётгандарнинг ярмидан кўпроқ қисми ислом динига мансуб қишилардир.

XX асрнинг сўнгги бир неча йилларига қадар Американи доимий ватан қилиб танлаган мусулмонларнинг мақсади – ўз иқтисодий ахволларини ўнглаш ёки илмий салоҳиятларини ошириш бўлган эди. Факат Биринчи Жаҳон урушидан кейин келган баъзи бир мусулмонларгина ўз мамлакатларини сиёсий нотинчилклар туфайли тарқ этишга мажбур бўлган эдилар. Кейинги йилларда эса кўпчилик мусулмонлар Америкага она юртларидаги сиёсий алғов-далғовлар натижасида кўчиб келдилар.

1



1. Президент Линдон Б. Жонсон 1965 йилнинг 3 октябрида Нью-Йорк портида жойлашган Озодлик оролида мухожирлик бўйича янги қонунни имзолади.
2. 1960 йиллар. Келиб чиқиши африкалик, осиёлик мусулмонларнинг фарзандлари тадбирлардан бирида маза қилиб ўтиришибди. Ўғил болалар олдинги қаторларга, қизлар орқага жойлашишган.
3. 1999 йил, май. Албан қочоқлари Форт-Диксдаги (Нью-Жерси штати) ошхоналари ёнига жойнамоз солиб, жума ибодатини адо этаётирлар.

Уларни ўз уй – ўлан тўшагини ташлаб Farbдан бошпана излашга мажбур қилган бундай воеаларга мисол қилиб араб мамлакатларининг 1967 йилда Истроил билан урушдаги мағлубияти, Ливандаги фуқаролар уруши ва унинг оқибатларини келтириш мумкин.

Эрон инқилоби ва давлат тепасига Имом Хумайнининг келиши, ҳамда шундан кейин Эрон ва Ирок ўртасида бўлиб ўтган деярли ўн йиллик тинкамадорини куриутувчи машакқатли уруш ҳам бир қисм эронлиларни Farbiga ўтиб кетишга мажбур қилди. Уларнинг кўпчилиги Америкага кўчиб ўтиб, кейинроқ аксарияти Калифорнияга бориб манзил курдилар. Ҳозирги пайтда Америкада яшаётган эронликларнинг микдори ярим миллион деган таҳминлар бор. Ирок томонидан Кувайтнинг истило қилиниши ва Форс кўрфазида бўлиб ўтган урушдан кейин АҚШга жуда кўплаб курдлар кўчиб бордилар. Кейинги йилларда эса Америкада яшашни ихтиёр этган мусулмонларни асосан Сомали, Судан ва бошқа Африка давлатлари ҳамда Афғонистон фуқаролари ташкил этмоқда, булар ҳам турли сиёсий алғов-далғовлар, фуқаролар уруши туфайли она юртларини тарқ этишга мажбур бўлганлар. Собиқ Югославиядаги этник тозаловлардан кейин ҳам кўплаб мусулмонлар Farbiga отландилар.



Ҳиндистон ва Покистонда ўн йиллар мобайнида давом этган турли кўринишдаги зиддияту курашлар ҳам кўплаб мусулмонлари Ҳиндистон ярим оролини ташлаб Фарбдан сокин ҳёт излашга унади. Улар бориб ўрнашишини истаган энг манзур мамлакатлар Англия ва Кўшма Штатлар эди. Агар XX асрнинг биринчи ярмида покистонликлар, хиндлар ва бенгаллар Америкага келиб ўрнашган мусулмон мухожирларининг жуда оз қисмини ташкил этган бўлсалар, кейинги бир неча ўн йилликлар давомида уларнинг микдори сезиларли даражада ўсида ва айни замонда бу микдор миллиондан зиёдроқ бўлса ажаб эмас. Кўпчилиги врач, мұхандис каби илму малакаси баланд бўлган покистонлик ва ҳиндистонлик мусулмонлар Америка даги исломий-сиёсий ташкилотлар равнағида ҳамда масжид жамоаларини бошқаришда фаол иштирок этдилар. ҳозирги пайтда Америкага Индонезия ва Малайзия каби мамлакатлардан мухожирларнинг келиши кўпайиб бормокда, буларнинг ҳам аксарияти билим ва тажрибада пешкадам бўлганлари учун Америка ислом оламида етакчи мавқеларни эгалмокдалар.

### **МУРАККАБ ЖАМИЯТ**

Арабистонлик мусулмонлар – суннийлар ва шиалар – бугунги кунда Америка ислом оламининг асосий қисмини ташкил этадилар. Уларнинг аксарияти юксак билимга эга, ўзларини намоён эта олган малакали хизматчилар бўлиб, ҳозирги кунда Америка исломий ҳётида миллатлараро ва этник жамоалараро муносабатларни ривожлантириш борасида етакчилик килмоқдалар. Бундан ташқари турклар, шаркий европаликлар ҳамда Гана, Кения, Сенегал, Уганда, Камерун, Гвинея, Сьерра-Леоне, Либерия, Танзания каби кўплаб Африка давлатлари вакиллари бўлмиш сиёсий мухожирлар ҳам Америка мусулмонлари жамиятини ташкил этувчи мураккаб жамоа орасида кўзга яққол ташланиб турадилар.

Мусулмон мухожирлар нафақат ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг самарали усулларини ишлаб чиқиши устида, шу билан бирга

афро-америкаликларнинг турли йўналишдаги ҳаракатлари билан бирдамликка эришиш масалалари устида ҳам иш олиб боришаётган. Африка давлатларидан кейинги йилларда Америкага кўчиб келган мухожирлар динни этник мансубият билан уйғунаштириш йўлидаги уринишларида жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар. XIX-XX асрларнинг сарҳадида Америкага хижрат килган мусулмонлар биринчи босқичдаги турли миллатга мансуб бошқа барча мухожирлар сингари мавсумий мардкорлик, чакана савдо, кон қазиш каби ҳар қандай қора ишга ёлланиш имкониятидан фойдаланишди. Кўпгина араб мусулмонлар тилни яхши билишни, маҳсус малакани, тажриба ва дастмояни талаб қилмайдиган ишни танлашди: кўчама-кўча юриб савдо қилиш билан шуғулланишди. Бошқалари Кўшма Штатларнинг ғарбида тез равнак топиб бораётган темир йўл қурилиши билан шуғулланувчи бригадаларга оддий ишчи бўлиб ёлланишди. Мухожир эркаклар ёнига аста-секин қўшилиб борган мусулмон аёллари завод ва фабрикаларга кириб ўрнашдилар, улар шароити анча оғир жойларда уззукун меҳнат килишарди. Мухожирликнинг биринчи босқичида мусулмонлар ҳаёти бир қадар қийин кечди: улар ғурбат ёлғизлиги, қашшоқлик, тил билмаслик, хонадон ва диндошларидан йироқлик каби фуссалар оғушида яшадилар.

Булардан қатъи назар, Америкада анча муддат яшаб кўргач, тобора кўпроқ мусулмонлар она юртга қайтиши имкондан хориж эканини англай бошладилар ва тақдирга тан бериб ўз ҳаётларини Америка билан боғлаган холда қуришга киришдилар. Ҳар ким ўзи билганча оиласлик бўлди: йигитлар мабодо мусулмон киз АҚШдан топилмаса, ўз ватанларига бориб келин олиб келишар ёки жуда бўлмаганда ғайридин қизларга уйланишар эди. Улар ўзларининг анъанавий хунар, малакаларидан келиб чиқиб истиқболли ишларнинг тамал тошини қўйдилар: ресторан, қаҳвахона, нон ёки баққоллик дўконлари очдилар. Вақт ўтгани сайнин тилни ўзлаштириб олишди, аста-секин бойлик ортиришди. Шундан кейин фарзандларига биргаликда исломий таълим бериш имконини очадиган жамоалар

тузиш учун мусулмон кардошлари билан алоқалар ўрнатишга киришдилар.

Шунга қарамай дастлабки даврларда баъзан мусулмонларнинг Америкадаги ҳёти осон кечгани йўқ. Қўшма Штатларни кўпинча «мухожирлар юрти», «барча ирқ ва миллатлар дошқозони» деб аташади. Бирок, айниқса ўтган асрнинг олтмишинчи йиллариға қадар, яъни фуқаролик ҳақ-хукуки учун ҳаракатлар бошлангунча бўлган даврда бу ерда, шубҳасиз, ирқий камситишлар мавжуд эди.

Шунинг учун, узок йиллар давомида мусулмон мухожирлар қайси дин ва миллатга мансуб эканликларини пинҳон тутиш, исму насабларини ерлиларга мутаносиб қилиб ўзгартириш, ўзгалардан ажратиб турувчи лиbosлар, феъл ва муомиладан воз кечиш ўйлидан бордилар.

Аста-секин мусулмон мухожирлари нуфузининг ўсиб, ранг-баранг тус олиши, ўзлигини англаб, илмий салоҳияти ошиб, дадиллашиб бориши натижасида Америка жамиятида сингиб кетиш нияти ўринини ўз эътиқоди ва маданиятини сақлаб қолган холда мазкур жамиятнинг бетакрор узвига айланишнинг мухимлиги ҳақида жиддий мунозаралар эгаллади. Бу сингари мунозаралар Америка бўйича қишлоқ ва шаҳарларда сунний ва шиа мазҳабидаги мусулмонлар ўюшмаларининг, нисбатан кейинрок эса диний, сиёсий, касб-хунар ва жамоат бирлашмалари манфаатларини ифода этувчи миллий Исломий ташкилотларнинг тузилишига олиб келди.

## БУТУН МАМЛАКАТ БЎЙЛАВ

Эндиликда Қўшма Штатларда мусулмонлар яшамайдиган манзил, хизмат қилмайдиган корхона, уларнинг фарзандлари таҳсил олмайдиган давлат мактаблари жуда кам. Рўйхатга олинган кулагай исломий ибодатхоналар (масжидлар, таъмир асосида мослаштирилган уйлар, ҳатто омборхоналар) ҳамма жойда ишлаб турибди.

Америкадаги дастлабки исломий жамиятлар Ўрта Фарбда ташкил этилган эди. Шимолий Дакота штатида XX асрнинг бошларидаёқ аҳли ислом жамоа бўлиб намоз ўқишига киришдилар; 1914 йилдаёқ Индияна штатида Ислом Маркази фаолият бошлаб юборди. Сидар Рапидс шаҳрида (Айова штати) жойлашган мамлакатдаги энг кўхна масжид ҳамон ишлаб турибди. Детройт яқинидаги Дирборн шаҳри (Мичиган штати) Яқин Шарқдан бўлган сунний ва шиа мусулмонларининг аллақачон ўз уйлари бўлиб кетган. Кўпчиликни бу шаҳарга «Форд Мотор Компани» заводига кириб ишлаш имкони етаклаб келган. Бу ерда исломий ўюшма тузилгач, уларга бошқа мусулмонлар ҳам келиб қўшилдилар. Мичиганлик мусулмонлар ва уларнинг насроний ҳамюртлари бу ерда келиб чиқиши араб бўлмиш америкаликларнинг АҚШдаги энг йирик манзилгоҳини ташкил этдилар.

Америкага кўчиб келган мусулмонлар, шунингдек, мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларини ватан қилишни ҳам маъқул кўрдилар. Массачусетс штати Бостон шаҳри канорасида жойлашган Куинси кемасозлик заводлари XIX аср охирларидан бўён мусулмон мухожирларни иш билан таъминлаб келади. Янги Англияда ишлаб турган Ислом Маркази XX аср бошларида бу ерларда уй-жой килган бир неча мусулмон оиласи орзусининг рўёби сифатида ташкил топган, ҳозир унинг таркибида бир неча масжидлардан иборат

мажмуа мавжуд, бу мажмуа ишбилармонлар, муаллимлар ва бошқа ихтисоддаги кишиларга, шу жумладан тижорат аҳли ва ишчиларига хизмат қиласди.

Нью-Йоркда Ислом, мана ярим асрдан ошдики, алоҳида нуфуз-эътиборга эга бўлиб турибди. АҚШнинг бу энг йирик шаҳри ўз тарихининг кейинги салмоқли даври мобайнида хилма-хил этник гурухлар учун бошпана бериб келганини таъкидлаш жониз. Унда умргузаронлик қилаётган аҳли муслим орасида савдо флоти денгизчилари, чакана савдо хизматчилари, эстрада артистлари, йирик корхона эгалари ва ишчилари бор. Нью-Йорк мусулмонлари орасида жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан келган миллат вакилларини кўриш мумкин. Шаҳарда масжидлар барпо этиш жуда яхши йўлга кўйилган. Умуммиллий Ислом ташкилотлари ўз фаолиятларини юргизиш учун бу шаҳарни жуда қулай ва муносиб деб хисоблайдилар. Нью-Йоркнинг турли даҳаларида бошланғич ислом мактаблари, мукаммалроқ илм берадиган ўқув муассасалари, мусулмонларнинг дўкон ва ишлаб чиқариш корхоналари кўклам ёмғиридан кейинги кўкатлардай кўпайиб бормоқда.

Мусулмон мухожирларининг яна бир илк ватани Чикагодир (Иллинойс), айрим тадқиқчиларнинг таъкидлашларича, XX аср бошларида бу ерда Американинг бошқа шаҳарларига қараганда кўпроқ мусулмон яшаган экан. Ҳозирги кунда Чикагода Яқин Шарқ, Хиндистон, Жанубий-Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларидан келган кўплаб мусулмонлар истиқомат қилишади. Улар исломий ўюшмаларга бажонидил хизмат кўрсатиш, диндошлар ва файридинлар билан муносабатларни ривожлантириш билан ўз динлари равнағига фаол ёрдам беряптилар. Чикаго ва унинг атрофида бугун 40 дан ортиқ исломий жамоа мавжуд.

Худди шунингдек, Калифорниянинг Лос-Анжелес ва Сан-Франциско шаҳарларида умр кечираётган мусулмонлар бу юртлар иқлимини яшаш ва камол топиш учун жуда қулай деб топдилар. Ушбу шаҳарларда ҳам жаҳоннинг аксарият минтақаларидан келган мусулмонлар бор. Сўнгги йилларда бу ерга Афғонистон, Сомали ва бошқа Африка мамлакатларининг фуқаролари кўчиб келдилар. Жанубий Калифорниядаги Ислом маркази Қўшма Штатлардаги энг йирик ташкилотлардан биридир, унинг олиймаком билим ва тажриба соҳиби бўлмиш ходимлари ўзлари тасниф этган асарлар ва Америка исломий ташкилотларини бошқариш борасидаги хизматлари билан обрў қозонгандар. Мұхташам ва бой имкониятларга эга бўлган бу мажмуа мусулмонлар жамоасининг ҳамма эҳтиёжларини кондириш имконига эга.

Ҳозир Қўшма Штатларда яшаётган мусулмон мухожирлари ҳануз бир қатор муаммоларга дуч келаёттирлар. Улар бу муаммоларни турли йўл ва усуллар билан ҳал қилмоқдалар. Инсон сифатида янги ижтимоий мухит ва маданиятга мослашиш, либосдаги тафовут, хизмат фаолиятига доир масалалар улар учун жуда мухимdir. Мухожир мусулмонлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган бошқа муаммолар сирасига турли ирқ ва этник мусулмон гурухлари, Америкадаги бошқа исломий жамоалар билан робита, шунингдек, ўз фарзандларига қаерда ва қай усулда исломий таълим бериш ва бу билан боғлиқ ҳаражатлар, аёлларнинг жамият ҳётида муносиб иштирок этишлари учун имкон топиш кабилар киради. Ҳозир

аксарият мусулмонлар Америка ҳаётининг асосий оқимидан алоҳида, «узилиб» яшаш давридан ўтиб, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда фаол иштирок этиш босқичига дадил қадам қўйганлар. Афтидан, Америка мусулмонлари жамиятга мутаносибликнинг юқоридағига

ўхшаш муаммоларни янгича, ижодий ёндошув орқали ҳал этиладиган даврига яқинлашиб қолдилар. Бу хол ранг-баранг, миллий, ирқий ва этник унсурлардан таркиб топган ҳақиқий Америкага хос бўлган исломнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиrsa ажаб эмас. ★


## АҚШ МУСУЛМОНЛАРИ МИҚДОРИ


**X**озирги вактда Кўшма Штатларда яшаётган мусулмонларнинг миқдорини аниқ белгилаш жуда мушкул вазифа. Мусулмонлар ўз миқдорларини ўзга дин вакиллари бўлмиш тадқиқотчи ва демографлар кўрсатганидан кўпайтириб айтишга мойилдирлар. Икки миллиондан етти миллион кишигача дея белгиланаётган бу миқдорнинг аниқлиги хусусида ихтилофлар бор.

Бундай йирик тафвутнинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, АҚШ Конституциясига кўра, дин давлатдан ажратилган, бу Америка қонунчилигига ҳам ўз аксини топган: АҚШнинг аҳолини рўйхатга олиш Бюроси, одатда, фуқароларга диний мансубият ҳақида савол бермайди. АҚШ муҳожирлик хизмати ҳам бу мамлакатда яшашни ихтиёр этганларнинг эътиқоди ҳақида маълумотлар тўпламайди. Кўшма Штатлардаги аксарият масjidлар ҳам ўз жамоа аъзоларининг рўйхатини тузмайдилар, ибодат қилювчиларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланмайдилар.

Чикаго университети диншунос-тадқиқотчиси Мартин Марти шундай дейди: «Бу хил маълумотлар, одатда, икки хил усул билан тўпланади. Биро шундан иборатки, савол-жавоб ўтказаётганлар кечки овқат махали одамларга қўнғироқ қилиб, уларнинг қайси динга мансуб эканликларини сўрашади. Маълумотларнинг иккинчи манбаси эса маҳаллий ёки мамлакат миқёсидаги дин пешволари. Телефон орқали жавоб берадиган одамлар, мен у ёки бу диндаман, ёки ҳеч қайси динга мансуб эмасман дер эканлар, бундай жавобнинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Диний муассасалар итифоқи миқдори, мазхаб ва оқимлар, маслакдошлари сони борасида хабар берадиган руҳоний раҳбар ҳам ўзига маълум сабабларга суюнади.


Шу боис ҳам, Кўшма Штатлардаги мусулмонларнинг миқдори расман аниқланмаган, бу масалани ўрганадиган бутун тадқиқотчиларнинг барчаси қабул қилган аниқ маълумот ҳозирча мавжуд эмас.








**ҚҰШМА  
ШТАТЛАРДАГИ  
МАСЖИДЛАРНИНГ  
ШТАТЛАР БҮЙИЧА  
МИҚДОРИ**



Масжидларнинг 1986-2001 йил мобайнида үсиши  
Масжидлари энг күп бўлган олтига штат.



# Массачусетсдаги бир масжид


Диана Л. Эк

**Ш**арон шаҳарчасидаги мусулмонлар жамияти (Массачусетс штати) кўп жиҳатдан ўзида Америкадаги ранг-баранг исломий ҳаётни акс эттириши билан эътиборга сазовор. Бостон маркази шимолида, АҚШнинг олтинчи президенти Жон Куинси Адамс туғилган манзил яқинида карор топган бу янги иморат Куинсидаги Янги Англия Ислом марказининг шўйбаси, шу марказнинг узвий давоми хисобланади.

Қаламга олинаётган жамоа тарихининг илк саҳифаси XX асрнинг бошларида Куинсидаги кемасозлик заводларида меҳнат қилиш учун Сурия ва Ливандан муҳожирлар келиши билан очилган. Улар орасида мусулмонлардан кўра насронийлар, аёллардан кўра эркаклар зиёдроқ эди. Кўп ўтмай эса мусулмонлар жамоат бўлиб намоз ўқиши, бошқа диний амалларни адо этиш мақсадида бирлаша бошладилар. Кемасозлик заводлари атрофида ўша пайтлар кўпи билан етти мусулмон оиласи яшар эди. Муҳаммад Умар Овад жамоага имом бўлишга розилик берди. 1934 йилга келиб, мазкур оиласалар «Америкалик арабларнинг байроқ жамияти» деб номланган маданий, ижтимоий ва хайрия ташкилотига асос солдилар. Жамият аъзолари ўз тадбир-маросимларини Куинси шаҳридағи, Саут Стритдаги бинолардан бирида ўтказишар эди. Айнан шу ерда болалар учун норасмий диний мактаб очилган, жума намозлари ўқилар, Исломнинг икки табаррук байрами – Ийд ал-Фитр ва Ийд ал-Адҳо нишонланар эди. 1962 йили, яъни бу исломий жамоа мазкур бинодан ўттиз ийл фойдалангач, унинг пешволовлари Саут Стритда масжид қуришга қарор қилдилар. Айни 1964 йили, масжид биноси тантанали вазиятда очилган даврда жамоа сафига янги муҳожирлар келиб кўшила бошладилар. 1964-1974 йиллар оралиғида ахли исломнинг ушбу кичкина гурухи бирданига уч хиссага кўпайди.

Мазкур бўлган жамоа ўтган асрнинг 80-йилларида жуда катта иш қила олди: масжид имомлигига Талол Ийдни таклиф этди. Ҳозир у ўзининг ҳамма вактини шу вазифани адо этишга бағишилаб яшайди. Талол Ийд Америкага Ливандан келган, ундан аввал Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетини битирган. Унинг фаолиятига Бутунжаҳон Мусулмонлар лигаси ва Куинси масжиди жамоаси биргаликда ҳомийлик қилмоқдалар.

Ийд, рафиқаси, икки жажжи қизалоги, яна бир ливанлик имом ва унинг оиласи билан Нью-Йоркка бирга кўчиб келишган. Аввалига улар Америка-



«Фаолиятида 25 миллат фарзандлари қатнашадиган Янги Англия Ислом марказини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзига хос бир кўриниши дейиши мумкин», – дейди Имом Талол Ийд.

да кўни-кўшни бўлиб яшаймиз деб ўйлашган эди, маълум бўлдики, Янги Англия билан Янги Орлеан орасида минг милядан ортиқ масофа бор экан.

Йигирма йилдан ошдики, Талол Ийд жамоага раҳбарлик қилиб келаётир. Унинг ҳаёти кун сайин сермазмунроқ бўлиб бораётир. Шунга қарамай, имом жаноблари Ҳарвард илоҳиёт дорилғунуни аспирантурасида ўқишга ҳам вақт топмоқда. «Америкада имом бўлиш Ливанда имомлик килишдан тамомила ўзгачадир, – дейди у «Плюрализм лойиҳаси» илмий-тадқиқот гурухи билан сұхбат чоғида. – Ливанда менинг фаолиятим масжид ва жамоа ишлари билан чекланар эди, холос, бу ерда эса муштарап вазифалар мажмуни бажараман: ибодатларни бошқараман, таълим жараёнига раҳбарлик қиласман, келиб чиқиши, маданияти, миллати ва тиллари файри-файри одамлар билан мулоқотда бўлиб маслаҳатлар бераман.Faолиятида йигирма беш миллат фарзандлари иштирок этадиган Янги Англия Ислом марказини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзига хос бир кўриниши дейиш мумкин.» Шу кунларда имом Ийд шанба ва якшанба кунлари уч юздан ортиқ бола сабоқ оладиган таълим дастури ҳамда Куинси ва Шарондаги икки конгрегацияга раҳбарлик қилмоқда.

Имом Ийдинг роли ёлғиз унинг жамоаси эмас, балки бутун Америкада дин арбобларига катта умидлар боғланыётгани учун ўсиб бормоқда. Бугунги кунда унинг зиммасида шифононаларда ётгандардан хабар олиб туриш, турли динларнинг раҳнамолари иштирокида ўтадиган учрашувларда қатнашиб, музокаралар ўтказиш каби янги масъулиятлар ҳам бор. «Фақат мусулмонларга сабоқ бериб қолмай, номусулмон кишиларнинг таълим-тарбиясини ташкил этишда қатнашмоқ ҳам бурчимиздир, – дея изоҳ беради у. – Сабабки, плюралистик жамиятда яшар экансан, ўзга эътиқоддагилар билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатишинг даркор». Бостонлик энг машҳур исломий раҳбарлардан бири сифатида имом Ийд Шукроналик куни муносабати билан турли динлар иштирокида ўтказиладиган уч ёки тўрт ибодат маросимида иштирок этади, черковлар, синагогалар, жамоат ташкилотларида маърузалар қиласди. У Кембриж муниципалитети биносида саволларга жавоб беради-да, Куинси масжиди раияти билан намози жумани ўқишга шошилади. Намозни адо қилгач, болалар шифононаси ҳамширларига исломий таълим беради. Имом Ийд зиммасидаги кундалик иш-амаллар заҳмати йирик шаҳарларда яшайдиган диний арбоблар бажарадиган ишлардан кам эмас.

АҚШдаги қатор мусулмон уюшмалари каби Янги Англиядаги жамоа ҳам ўз тараққиёти йўлида ларзалар, мусибатларни бошдан кечирган. 1990 йил март ойида Куинсидаги масжидга ўт кетди, кўрилган зарарни 500 000 АҚШ долларига тенг топдилаар. Текширувлар ибодатгоҳга кимdir атайин ўт кўйганини кўрсатди, бироқ олиб борилган тергов ҳаракатлари барибир аник хulosага келмагани учун хеч ким жа-вобгарликка тортилгани йўқ. Бу ҳодиса жамоани қаттиқ изтиробга солди ва руҳини анча тушириб юборди. ўша кунларни эсларкан, Имом Ийд шундай дейди: «Бунгача ҳам, мабодо Яқин Шарқда ва ёки жаҳоннинг бошқа бир минтақасида мусулмонларга алоқадор бирор ноҳуш воқеа содир бўлса, биз дарров ҳамманинг диккат марказида бўлиб қолардик. Хотиржам яшагани кўйишмас, устма-уст телефон қилиб ёки хатлар

жўнатиб таҳдид қилардилар. Фазабонк оломон Ислом маркази олдига келиб, норозилик намойишни ўтказарди. Кейин эса ўша ёнгин содир бўлди. Қайдадир кора булуғлар қуюқлашса, албатта бизнинг бошимиз узра момақалдироқ гулдурайди ва биз жалада қоламиз». Масжидга ўт кўйилгандан кейин ўтган бир йил мобайнида мусулмонлар тўпланиб, ёнгин вайрон килган бинони қайта тикалаш имконини қидирдилар: айниқса гумбаз, ибодатлар зали ҳамда мусулмонлар таълим оладиган тараф кўпроқ таъмир қилинди.

Аслида, ёнғингача ҳам Куинси жамоаси учун Саут Стритдаги масжид торлик қилиб қолган, улар кенгроқ жой қидиришаётганди. 1991 йили улар Мильтонда сотувга кўйилган мухташам иморатлардан бирiga харидор бўлишди, теварагида етти акр ери ҳам бўлган бу бинода аввал иезуитлар маркази қарор топган эди. Исломий марказ ташкил этиш учун бундан муносиброқ жой йўқдай кўринди. Бироқ, тез орада бу лойиҳага қарши овозлар эшитила бошлади, у кимнидир ташвишга солиб қўйди, яна кимлардир унинг ҳар жиҳатдан тўқис эканига иштибоҳ билдири. ҳамма машиналар учун етарли бекат топиладими? Янги марказ Мильтоннинг одатий ҳаёт тарзига халақит бермайдими? Бостонлик жарроҳ, мусулмонлар жамоасининг таникли етакчиларидан бири доктор Маян Ашраф мильтонлик қўшиллари билан фикр алмашганини эслайди. «Қўшиллар бу қадар кўп одамнинг келиши бутун даҳани бузид юборар, деган ташвишда эканлар. Маҳаллий газета ходимларидан бири мендан: «Доктор, ибодатга қанча одам келишини мўлжаллаяксизлар», деб сўради. «Ўзингизга майлум, ҳайит кунлари бу ерга минглаб одам келиши мумкин, – жавоб бердим мен. – Лекин албатта, бундай байрам йилда икки марта бўлади, холос.» Эртаси куни газетада «Мильтонга минглаб одамлар намоз ўқигани келишади», деган сарлавҳа пайдо бўлди. Бу менинг кўнглимни сиёҳ қилди.»

Зикр этилган иморатни сотиб олиш борасида ги музокаралар давом этаётганди. Бироқ, исломий жамоа «олди-сотди»ни тугал расмийлаштириш билан шуғулланар экан, мильтонлик бир гурух харидорлар ўртага бир миллион икки юз эллик минг нақдина ташлади-ю, бинони мусулмонлар қўлидан тортиб олди.

«Жуда ёқимсиз, оғир иш бўлди, – дейди доктор Ашраф. – Кейинчалик, нега шундай қилишдийкин деб ўз-ўзимга кўп марта савол бердим. Бизнинг мусулмон бўлганимиз учун шундай қилишдими? Бунга хеч ишонгим келмасди, сабаби – умрим бино бўлиб, бирор мусулмонлигимни юзимга соглган эмас, камсит-

Диана Л. Эк Массачусетс штати Кембриж шаҳридағи Ҳарвард Илоҳиёт мактабида дарс беради. 1991 йилдан ўтиборан ҳарварднинг «Плюрализм лойиҳаси» деб номланувчи илмий-тадқиқот гурухини бошқаряпти. Бу гурух Қўшима Штатлардаги эътиқодлар хилмачилигини ўрганади.

Уишибу очерк унинг «Харпер Сан-Франциско» нашриётида чоп этилган «Янги диний Америка» китобидан олинди. Нашр кўрсаткичлари «HarperCollins Publishers, Inc». Муаллифлар ҳуқуқи © 2001, Диана Л. Эк. Муаллифлар ҳуқуқлари тўла сақланади.

1



## 1. Янги Англия Ислом

Академиясидаги синф хоналаридан бирида ёш хоним қизчалар билан самимий суҳбат қуриб ўтирибди.

## 2. Янги Англиядаги Ислом

Академияси Массачусетс штатидаги икки исломий мактабнинг биридир. Муаллима эшик олдида қуйи синф болалари ибодатини назорат қилиб турибди.

## 3. Шарондаги (Массачусетс штати) академия ўқувчилари пешин намозидан илгари маза қилиб ўйнаб олишади.

2



ган эмас». Ислом жамоасининг айрим аъзолари ишни судга ошириш ва муносиб кўшни бўлиш хукуки учун курашиб фикрида қатъий турдилар. Бошқалари эса, хозирданоқ мусулмонларга бундай адоват кўрсатган худуддан воз кечган маъкул, дедилар. Бу, асли мушкул муаммо, муҳожирлар Америка сарҳадларидағи катта-кичик шаҳарлардан бирида кўчмас мулкка харидор бўлсалар, кўпчилик ҳолларда янги кўшиларнинг қаршилигига учрамоқдалар. Жамоа, охир-окибат бой берилган имкон хусусида ғавро кўтармаслик ва келажакка умид билан караб, бошқа бир муносиб жой излашга қарор қилди.

Хайриятки, кўп ўтмай 15500 аҳолисининг тенг ярми яхудийлар бўлган Шарон шаҳарчасидаги собиқ йилкичиллик фермасини сотиб олиш имкони туғилди. «Кунлардан бирида, – дейди доктор Ашраф, – бир киши телефон килиб қолди. «Доктор, Сизга Ислом маркази учун шинам жой таклиф килмоқчиман.

Бошингизга тушган қийинчиликлар хақида газета орқали ўқиб турибман. Сиз тоат-ибодат масканни бунёд этмоқчисиз, мен сизларга шунинг учун ёрдам бермоқчиман». У мени Шаронга олиб борди. Бу одамнинг эллик акр осуда ери бўлиб, шуни сотмоқчи экан. Таклиф килинган жой кўрган заҳотим мени мафтун қилди».

«Янги кўшилар ҳам қаршилик кўрсатишса-чи, – сўради Ашраф, – унда нима килишимизни буюрадилар?» Лекин, бу сафар мусулмонлар жамоаси ниятлари холис эканлигини намойиш қилиш учун режа ишлаб чиқди. Энг аввало, учраган ҳар кишига Исломнинг моҳиятини тушунтирувчи видеокассеталар тарқатишиди. «Биз уларга, «Бу хусусда қанақанги савол туғилса, марҳамат, келинглар, сұхбатлашишга тайёрмиз. Барча саволларингизга жавоб берамиз», деб айтдик. Ислом аҳлиниңг олдиндан олиб борган фаол саъй-ҳаракатлари, чамаси, ижобий натижага кел-



тирди: Шарон шаҳри улар истиқболига дарвозаларини оча бошлади. Истроил ибодатгоҳи раввини Барри Стэрр Ашрафга: «Сизнинг келишингиз шаҳримиз хаётини янги жилолар билан безайди, уни бойтади деган яхши умидларим бор», – деди. Стэрр Шарон руҳонийлари Ассоциациясини кенгашга чақириди, уларнинг барчаси мусулмонлар жамияти аъзолари билан фикр алмаши имконига эга бўлдилар. Ассоциация Шаронда Ислом маркази тузилишини яқдиллик билан маъқуллади. Унинг вакиллари маҳаллий газетада «Шарон Ислом маркази бунёд этилишини маъқуллайди», деган мақола эълон қилдилар.

Мен бўлғуси марказ бино этиладиган манзилни курилиш бошланган куни бориб кўрган эдим. 1993 йилнинг ёмғири кунларидан бири. Қурилишнинг бошланиши динлараро тадбирга айланиб кетди: раввинарлар, епископлар, пасторлар, черков уламолари – барча-барчаси курувчиларнинг темир қалпоғини

кийган – мусулмонларга ҳашарга келишиди, бу ўша кунги шароитга жуда мос эди. Пойдевор учун чукур қазилар экан, кўпчилик бугун диний жамиятлар ўтасидаги эзгу муносабатлар учун янги пойдевор қўйилмоқда, дея яхши ният билдириди. Шу муносабат ила, мусулмонлар улкан ўйл-ўйл чодир тикдилар, ҳаммамиз шу бошпана ичига кириб табрик нутқларини тингладик. Мени, айниқса, мусулмон ёшлиари гурухининг вакили бўлмиш ўсмир кизнинг сўзлари тўлқинлантиргани ёдимда. У буклама курси устига чиқди-да, Америка мусулмонлари ўз эътиқодлари моҳиятини тушуниши максадида айтадиган сўзларини қайтарди: «Исломнинг маъноси тинчликдир, – деди у. – Умид қиламанки, бу ерда, доимо янги foялар ва буюк ўзгаришлар замини бўлган Янги Англияда, диний эътиқод инсоннинг айби деб эмас, унинг маънавий кудратига эҳтиром омили бўлган кунни кўргумиздир».



1. Бу аёллар Муборак Рамазон ойининг бошланишини Янги Англия Ислом Марказида нишонладилар.
2. Шарондаги Ислом Маркази. Рамазон ойи ибодати. Битта хонада бўлсалар-да, эркак ва аёллар алоҳида-алоҳида намоз ўқидилар.
3. Янги Англия Ислом марказида ўтган Миллий дуо кунида иштирок этган мусулмон йигит.


Орадан икки йил ўтгач, янги Ислом маркази нинг очилиш маросими бўлди. Бу – айни Рамазон ойининг поёнида нишонланадиган Ийд ал-Фитр байрами кунига тўғри келди. Маросим диний кўтаринкилик билан ўтган Лайллат ул-Қадр кечасидан бир неча кун кейин, қишининг охирида, аввал роса дўл ёғиб, кейин қор бўрони забтига олган, ерни муз қоплаган куннинг эртасига, кўш чарақлаб чиккан кун ўтказилди. Со-биқ йилқиличлик фермасининг музлаган даласи хайт намозини адo этиш учун келган минглаб одамларнинг машиналари билан тўлиб кетган эди. «Ийд бугун Массачусетс штатида расмий байрам хисобланади, – деб эълон килди кўнгли ифтихорга тўлган доктор Ашрафа. – Бизнинг уринишларимиз натижасида, Ийд куни – ишчи-хизматчи мусулмонлар учун ҳак тўлана-диган кун, мактаб ёшидаги фарзандларимиз учун эса диний байрам куни тусини олди. Ийд бизнинг байрамимиз эканини одамлар онгига етказишимиз даркор». У Президент Клинтоннинг Америка мусулмонларига йўллаган табрикномасини зўр мамнуният ила ўқиб берди: «Муқаддас Рамазон ҳайитини нишонлаётган барча юртдошларимизни кутлайман. Адоват ўринини мулоқот эгаллаган ушбу кунда биз, Хилари иккимиз барча мусулмонларни муборак этамиз».

Ҳайт намозидан кейин ҳамма тепаликдан куйига интилди. Одамларнинг байрамона либосларидан атроф-жавониб яшнаб кетган – ранги ловуллаган узун кўйлаклар, шолворлар, майда-майда ярқироқ тангачали, ойнадек ялтираган кимхоб камзуллар, нафис, кимматбаҳо Африка газмолидан тикилган башанг кийимлар... Бу қиши эртаги ҳаммани мафтун этар эди. «Бунағанги аёзли кунда Ҳайитни биринчи марта нишонлашим», – дейди илжайиб Африканинг Гам-



бия ўлкасидан бўлмиш ёш йигит. Тепалик этагидаги муаззам залда барчамизни турли-туман шарбатлар, қахва, ширин кулчалар билан меҳмон қилишиб. «Ийд муборак! Байрамингиз кутлув бўлсин!» – илдизлари ўттиз мамлакат заминида ётган ва бугун Америка исломи анъаналарини шакллантираётган ушбу жамоа аъзолари бир-бирларини шундай деб табриклишар эди.

Бугун Янги Англиядаги Ислом марказини унинг барча тарихий босқичлари билан, кундалик янгидан-янги муаммолари, у ёки бу мусулмон жамоасида исломий анъаналарни тадбиқ этиш борасидаги уринишлар билан, таркибидағи маданиятларнинг ранго-



ранглиги, Америка заминида исломий ташкилотлар тузиш йўлидаги харакатлари билан АҚШда мусулмон дини ахволини тўла акс эттирувчи оина деб аташ мумкин. Файримуслим қўшиллар билан муносабатлар тарихида ҳам таҳдидлар, ўт қўйиш ила амалга оши-

рилган хужум, макон топиш йўлидаги мажаролар ва ниҳоят бошқа динлар билан ўзаро аҳиллик қўприклиарини ўрнатишдек муваффакиятдан иборат мураккаб ва оғир тажриба ўз аксини топган. ★



1

1. Кливленддаги таълимнинг солиқлар ҳисобига молиялаштирилган маҳсус дастурлари асосида ишлайдиган илк Воҳа ислом мактаби. Биринчи синф ўқувчилари жуғрофия фанидан сабоқ олаяптилар.
2. Жерси Сити (Нью-Жерси штати)даги Ал-Фаззолий номли бошлангич мактабнинг муалимаси учинчи синф ўқувчиларини имтиҳонга тайёрлайти.



2



3

3. Мичиган штати.  
Шарқий Лэнсингда-  
ги Катта  
Лэнсинг ислом  
мактаби болалар  
майдончасида  
үйнаётган  
үқувчилар.

4. Ал-Фазолий  
номли бошлангич  
мактабнинг  
иккинчи синф  
үқувчиси  
компьютер  
машғулоти  
устида.

5. «Қисқа суралар»ни  
инглиз тилида  
мутолаа қилиш  
бу үқувчига  
Қуръоннинг асосий  
поралари билан  
танишишда  
ёрдам беради.



4



5

# Калифорниялик мусулмон ўқувчилар

Мэри Рурк

**K**ўлларини қовуштириб олган ўғил болалар олдинги, сочларини рўмол остига олиб яширган кизлар эса орқа сафларни эгаллашди. Улар ўзларини ҳозиргина жам бўлишган синф хонасида эмас, масжидда тургандай мутлақо табиий ва эркин тутишарди. ўн тўрт мусулмон ўқувчи пешин намозини ўқиши арафасида туришибди.

Парталар, китоблар, хариталар, фильмоскоплар куршовида турган бу болалар ҳозир синф ичидаги бесаранжомликни ҳам, ташқарида ҳукм сурған шовқин-суронин ҳам пайқамас эдилар. Палос Вердес Ярим оролидаги ўрта мактабнинг юкори синфларида ҳозир – тушлик пайти, ховли ари уясидек фувиллайди. Намоз ўқиётган болалар учун эса ҳозир мукаддас рамазон ойи эканлигидан муҳимроқ, аҳамиятироқ ҳеч нарса йўқ. Ёшлари 14–18 атрофида бўлган мазкур ўқувчилар бу йил мана шу тарзда – ҳамманинг кўз ўнгига беозор намоз ўқиши орқали ўз динларини ёқлашга қатъий аҳд қилишган.

Болалар аминидирларки, Рамазон ойида жамоа бўлиб намоз ўқишилари кейинги пайтлар бутун жаҳонда бошқа динлардан кўра кўпроқ муҳокама қилинаётган, зиёдроқ танқидга учраётган ва кўпроқ ҳимоя қилинаётган дини исломга бўлган садоқат намойишининг бир кўринишидир. «Динимнинг эзгу моҳиятини барчага тушунтириш айниқса ҳозирги даврда ўта муҳим эканлигига шак-шубҳам йўқ, – дейди оиласининг келиб чикиши Хиндистондан бўлган, бу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Райхон Муталлиб. – Қолипга тушиб қолган тушунчаларга барҳам беришимиш керак».

Мактаб маъмурияти тақдим этган маълумотларга кўра, террористларнинг АҚШга ҳужуми ҳамда Усама бин Лодин ва «Ал-Қоида» жангарилар тизими ҳақидаги селдек ёғилган хабарлар ўзига тўқ хонадонларнинг фарзандлари таълим оладиган 3300 ўқувчининг 285 таси мусулмонлар бўлган бу мактабнинг одатий ҳаёт тарзига қаттиқ, таъсир қилди. Қарийб беш йилча бурун эътиқоди ислом бўлган болаларнинг кичик гурухи бамаслаҳат «Мусулмон ўқувчилар уюшмаси»ни очишганди. Эндиғи чоракка келиб бу ташкилот ўзгача мазмун ва аҳамият касб эта бошлади – биргаликда ибодат қилишни ана шу мазмуннинг муайян қисми деб аташ мумкин.

Аввалига мазкур уюшманинг фаолияти сал бўлмаса тўхтаб қолай деди – болалар дунёда юз бераётган favgolardan беҳад мутаассир бўлиб, бир қадар саросимага тушиб қолганлари боис, ўқув дастуридан ташқари вақтлар ўтказиладиган машгулот ва тадбирларини рўйхатга киритишни унугиб кўйишган

экан. «11 сентябр воқеалари болалар руҳини қаттиқ ларзага солди, – дейди сўз бораётган ўқувчилар гурухи раҳбари Жеймс Мачлинг, – улар талай вақтгача фикрларини жамлай олмай юришди». Мачлинг диний тадқиқотлар ҳамда жаҳон тарихи бўлимларининг раиси хисобланади, мазкур бўлимлар дунёдаги асосий динларни ўрганишни ўқув дастурларига киритиши билан шуғулланади.

«Уюшма аъзолари, ниҳоят, ўз мажлислариға йиғилишганда эса, улардаги қатъият ва ироди мени ҳайратга солди. Уларни ҳеч қачон бу ҳолда кўрмаган эдим, – деб таъкидлайди Мачлинг. – Ўтган йиллар ҳар мажлисга бешта, нари борса саккизта бола қатнашарди. Бу йил эса 20 дан камайгани йўқ.» Одатда бундай йиғилишлар ўқувчиларнинг бири томонидан диннинг бирон-бири соҳасига бағишлиб қилинган таҳлил, ибодат ва тушликдан иборат бўлади.

Палос Вердес мактабида бошқа яна икки клуб ҳам мавжудки, буларнинг қавми ҳам ибодат учун йиғилиб туради. Насроний ўқувчилар тарафидан ташкил этилган бу икки уюшма «Янги ҳаёт клуби» ва «Исо Масиҳ жамоаси» деб номланади. Калифорния штати маориф кенгаши низоми турли дин вакилларига ўз уюшмаларини тузишга изн беради, факат ҳеч ким ўз маслаганин афзал деб тарғибот этмаслиги, бошқа диндагиларни ўз эътиқодларига ўтказишга харакат кильмасликлиги даркор. Мактаб дастурларига ҳам динларни ўргатиш бўйича дарслар киритилган. Бирок бунда ҳам дарслар диний сабок эмас, балки дин тарихи ва маданиятини ўргатиш тарзида олиб борилади.

Палос Вердесдаги давлат мактабининг юкори синф ўқувчиларидан кўччилиги АҚШда таваллуд топган. Уларнинг ота-оналари ўз вақтида Эрон, Миср, хиндистон ва Якин Шарқ ҳамда Осиёдаги бошқа мамлакатларидан кўчиб келган муҳожирлардир. Барча тенгкүр синфдошлари каби мусулмон болаларнинг ҳам ўзларига яраша ижтимоий ва таълим ила боғлиқ ташвишлари бор. Бирок ёппасига бу йил куз (2001 йил кузи назарда тутилмоқда) улар, мусулмонларга нисбатан кучайган шубҳаю гумонлар билан курашишга мажбур бўлдилар.

«Дастлаб уларни умуман топиб бўлмай қолди, – ҳикоя қиласи Мачлинг, – портлаш бўлган куни кўзларига дунё қоронғу бўлиб кетган эди. Улар бундай даҳшатли фожеага тоқат қила олишмади». Мусулмон ўқувчилар уюшмасига кирмоқчи бўлгандарига айrim исломий мактабдошлари ҳозирча бу ниятингиз билан кишилар эътиборини ўзингизга қаратмаслигиниз маъкул, деб маслаҳат беришди. «Аъзо бўлман-



1



2

1. Кловис Вест (Калифорния штати) ўрта мактабининг юқори синфларидағи кўзи ожиз ўқувчилар учун мўлжалланган мосламалардан бири буюртма тасвири глобусдир. Қувайтлик кўзи ожиз бу бола жуғрофия муаллими ёрдамида дунёнинг тузилишини ўрганмоқда.

2. Шабона Хантингтон Бич (Калифорния штати) даги Юнион мактаби округида имлодан сабоқ олади. Бу округда дастлабки тажриба сифатида араб тили дарслари ўтилади.

Мэри Рурк – «Лос-Анжелес Таймс» газетасининг диний мавзуларга ихтинослашган ходимаси.

Муаллифлик ҳуқуқи © 2001 «Лос-Анжелес Таймс Компани».



глар дейишди», – дея эслайди келаси йил мактабни битирадиган уюшма сардорларидан бири – ўн олти ёшли Жўш Мансур. Ўқувчиларнинг умумий оммаси орасига сингиб кетиш маслаҳати исломий амалларни бажармайдиган болалардан чиққан, деб хисоблайди у. «Исломни радикал дин деб аташади».

Мансурнинг ўзи бошқача фикрда. «Мактабимизда мусулмон ўқувчилар кўп, – дейди у. – Орамиздан баъзилар ўзлари астойдил ишонган гояни – мусулмонларни бирлаштириши хамжиҳат бўлиб амалга ошириш муҳим, деган қарорга келдилар. Келиб чиқишилар турлича бўлишига қарамай, бу йигит-кизлар исломий ҳукмларга катъий амал қиласидаган хонадонларнинг фарзандлариdir, шунинг учун уларга ўз диний амалларини адо этиш уларга янгилик эмас. Бирок, ушбу ўринда бу йилги рамазоннинг мусулмонлар зиммасига жиддийроқ масъулият ва залворлироқ вазифалар юклагани хам муҳим бўлди.


Биринчи куни ибодат чоғи бир неча ўқувчи Қуръон оятларини араб тилида қироат қиласидар. Улардан бири – ўн олти ёшли Зиёд Маасароний араб тилини уйида, онасидан ўрганганд, бу борадаги билимларини шу тилдаги телекўрсатувларни кўриш орқали мустаҳкамлаб боради. Зиёд ва бир неча талаба хозир ўз эътиқодимизни химоя қилиш ногайт муҳим ва бунинг айни вақти деган ташаббус билан чиқдилар. Факат улар хам, ўсмирликларига бориб, мактабдошларимиз бизни камситишмасмикин, деган иштибоҳлари бор эканини тан оладилар.

«Менга оддий ўсмир каби муомила қилишларини хоҳлайман, – дейди Муталлиб. – Айни пайтда мени файриоддий ва ярамас бир кимса эмас, мусулмон дея қабул қилишса...» У мактабда ўтказилаётган Рамазон ибодатларида қатнашаётганинг сабабини у бу амалларни мустақил ҳолда кўнгилдагидай адо қилол-маслиги билан изоҳлади. Бошқа ўқувчилар эса биргаликда ибодат қилиш руҳий кувват ва дадиллик баҳш этишини айтадилар. «Хозир ҳаммамиз руҳий мададга муҳтожмиз, – тушунтиради Мансур. – Бу ерда хам, бутун жаҳонда хам хозир мусулмонларга осон эмас. Улар ўзларининг ёлғиз эмасликларини билишларини жуда-жуда истардик».

Мусулмон ўқувчиларга бин Лодин ва «Ал-Қоид» ҳакида савол берилса, жаҳлдан ўзларини кўярга жой тополмай қоладилар. «Мусулмон фундаменталисти деган нарса – йўқ! – дейди дарғазаб бўлиб Маасароний. – Сотқин ҳукуматлар ва экстремистлар бор».

Муталлиб холисроқ фикр билдириди. «Мен толибларни хам, Усама бин Лодинни хам Ислом динига тўғри амал қиласидаган эмас, бу динни тушунмайдиган кишилар деб хисоблайман. Мусулмонларнинг кўпчилиги бу дин ҳукмларини амалда тўғри бажаришга интиладилар. Мен хам шундай қиласман».

Ота-онаси АҚШга Эрондан кўчиб келган ўн тўрт ёшли қиз Мадди Гароб факат ўтган ойдагина бундан буён бошқача кийиниш ҳақида катъий қарорга келди. Аёллар юзларини беркитишлари шарт бўлма-



2

1. Пасаденадаги (Калифорния штати) Вестриж қизлар мактаби. Мусулмон қизчаларнинг икки ҳафталик спорт ўйинлари чоғида тренер баскетболчи қизалоқقا жарима тўпи ташлашни ўргатмоқда.
2. Ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиси бўлган баскетболчи ўсмир – мусулмон. У қуёш ботгандан кейин рўзасини очаяпти.

са-да бошга рўмол ўраб юришлари даркор, бу камсумлик ва исломий хукмларга бўйсуниш аломатидир. Ислом, шунингдек, никоҳсиз жинсий муносабат ва ичкилиkbозлники ҳам тақиқлайди. Рамазон даври ибодатларида қатнашаётган қизларнинг кўпчилиги гарбона кийиниб, намоз ўқиётганда сочларини яшириб олишса, Гароб факат ёпинчик билан кифояланган давридаги лиbosларини бутунлай ўзгартирди. У хозир вужудини тўла яшириб юриш учун юбка, енглари узун устки кийим кияди.

«Энди ҳеч қачон ёпинчик ёпинмайман», – дейди у. Вужудни бутунлай бекитиб турадиган лиbosлар хакида эса у шундай фикрда: «Илгарилари тор кийимлар кияман, балларга, йигитлар билан утрашувларга бораман деб орзу қиласдим. Энди эса мени ҳақиқий

мусулмон деб аташларини истайман. Бунинг ор қила-диган ери йўқ».

Гароб ва мусулмон-ўқувчилар уюшмасидаги қизларнинг айтишларича, мактабдаги кўпчилик диндош қизлар уларни мусулмонга ўхшатиб турадиган ҳамма нарсадан қочадилар. «Мусулмон қизлар муслимага ўхшамасликка шунчалик уринишадики, энди уларни ғайридинлардан ажратиб бўлмай қолди», – деб хисоблайди Гаробнинг энг яхши дугоналаридан бири Дония Арафех.

Арафех уч йилдан бери сочини дуррача билан бекитиб юради. Ота-онаси Миср ва Фаластинда, ўзи АҚШда туғилган бу киз, Қуръони каримдек муборак манбага суюнган ҳолда, аёлларни бебахо марваридларга ўхшатади. «Аёл исломий лиbosда юрса, ҳеч нарса йўқотмайди, – дейди у. – Аёл ўзини ҳимоя қилиш учун шундай кийинади. Латофатни, ҳаёни ёмон кўздан асраш керак эмасми?»

Ўн йиллар мобайнида ислом ва бошқа динларнинг раҳбарлари янги муҳожирларга Америка жамиятига қўшилиб кетиши учун диний лиbosлардан воз кечиш ва гарбона кийинишини маслаҳат бераб келдилар. Арафехнинг анъанавий лиbosларга бўлган иштиёқига қараганда, келгусида кўп нарса ўзгариши мумкин шекилли. «Турли эътиқод эгалари ўз динларига мос кийинсалар қандай яхши бўларди, – дея орзу қиласди у. – Бу ҳолда биз бир-биримизни яхшироқ ўрганар эдик».

Рамазон ойи ибодатларининг биринчи куни Арафех ва Гароб Мачлинг синф хонаси ёнида сухбатлашиб туришган эди, уларнинг ёнига Баҳора Шоёғон-Фотимий исмли киз келди. У жамоа ибодат қиласидан хонага кирибди-ю, намоз ўқимай, қолганларни кузатиб турибди холос.

«Эрондан кўчиб келганимизга тўрут ой бўлди, – дея тушунтириди у қизларга. – Бу ерда мусулмонлардан ҳеч кимни танимасдим, шунинг учун кимлигимни билдирамай юрдим». Эгнидаги теннис кўйлакчasi ва жинси шими унинг гаплари ростлигини исботлаб турар эди. Эронда аёллардан ёпинчик ва қоматни яшириб турадиган кенг кийимда юриш талаб этилади. «Бу ерда ҳам шундай бўлар деб сира ўйламагандим, – эътироф этди у ичаги узилгудай бўлиб кулар экан. – Ёлғиз ўзини сахродаги томчидайсан. Бошқа мусулмон қизлар билан биргаликда эса денгизнинг бир қатрасисан, унинг беҳисоб томчиларидан бирисан».

Шоёғон-Фотимий АҚШда ҳам қачондир вақти келиб анъанавий мусулмонча кийимларни кия бошлиядими йўқми, аниқ гап айтгани йўқ. Бу қиз Рамазон ибодатларини адо этаётган қизлар сафига яна қўшиладими йўқми, бу борада ҳам бир қарорга келмаган экан.

«Кўрганларим мени ҳайрон қолдирди, – дейди у. – Бир фикрга келишим учун эса вақт керак».

## МУСУЛМОН АЁЛЛАРИДАН БИРИ ЎЗИННИГ АМЕРИКАДАГИ ҲАЁТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

*«Мен Америка давлат мактабларида дарс ўтаман. Шунингдек, муаллим сифатида ўз фарзандларимга исломий мактабда ҳам таълим бераман».*

– Ровия Исмоил, муалима, Толидо, Охайо штати.



«Мен – Америка Кўшма Штатлари, Охайо Штати, Толидо шаҳридан давлат мактаби ўқитувчисиман. Шунингдек, муалима сифатида шанба кунлари ишлайдиган исломий мактабда ўз фарзандларимга ҳам таълим бераман».

Мен Ливанда, Байрутда туғилганман, Кўшма Штатларга 1984 йили кўчиб келганимиз. Тўртта бир-биридан ширин фарзандим бор. Болалар билан ишлаш жону дилим бўлгани учун, ўқитувчикни танладим.

Ислом марказида мен бир соатлар чамаси болаларга диний таълим бераман, сўнгра яна бир соат араб тилини ўргатаман. Икки дарс орасида улар тушлик қилиб олишади, сўнгра ҳаммамиз бирга ибодат қиласиз. Мана шу ишни ўзим ва оиласам учун муносиб бўлган ягона ҳаёт тарзи деб хисоблайман. Ҳаётимнинг мазмун-моҳияти диним, имонимдир.

Мен давлат мактабида ўтадиган дарсларимга хижоб кийиб келаман. Болалар менга турли

саволлар беришади. Бирок, улардан бирортаси хижоб кийишимдан ажабланишган эмас, бу ҳолни гайриоддий хисоблашган эмас. Боз устига, болаларга ҳам, ота-оналарига ҳам уларни янги маданий ва дин билан танишитираётганим жуда маъкул бўляпти.

Кўриб турибман: биз истиқомат қиласиган даҳадаги мусулмон бўлмаган кишилар ҳам, худди бизга ўхшаб, болаларини маълумотли қилиш, оиласи қадрияларни сақлашга интилиб яшайдилар. 11 сентябр воеаларидан кейин ҳам ўзимга нисбатан салбий фикр таъсирини сезганим йўқ.

Мен давлат мактабидаги дарсларимда болалар онгига ўзим мансуб диннинг уларнинг динига яқин, уйғун жиҳатлари кўп экани ва биз ўртадаги зиддиятлардан эмас, ана шу уйғунликдан келиб чиқиб яшашимиз даркорлиги ҳақидаги фикрни сингдириш учун кўп харакат қиласман.»

## ДЕМОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

- ★ Кўшма Штатлардаги масжидлар: **1209 та.**
- ★ Бирор масjidга алоқаси бор Америка мусулмонлари: **2 милион киши.**
- ★ Масжидлар сонининг 1994 йилга нисбатан ўсиши: **25 фоиз.**
- ★ 1980 йилдан бери очилган масжидлар: **62 фоиз.**
- ★ Кўшма Штатлардаги ҳар бир масжидқавмининг ўртача миқдори: **1625 киши.**
- ★ Масжидлар фаолиятида иштирок этажтганлар орасида исломни янги қабул қилганлар: **30 фоиз.**
- ★ Америка ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қатнашиш керак деб, қатъий фикр билдираётган америкалик мусулмонлар: **70 фоиз.**
- ★ Фақат муайян этник гурӯҳибодат қиласиган Америка масжидлари: **7 фоиз.**
- ★ Қавмиаъзолари орасида осиёликлар, афро-америкаликлар, араблар бўлган Америка масжидлари: **90 фоиз.**
- ★ Америка масжидлари фаолиятида мунтазам иштирок этадиган мусулмонларнинг этник таркиби:
  - Жанубий Осиёликлар (покистонликлар, бенгаллар, хиндлар, афғонлар) – 33 фоиз.**
  - Афро-америкаликлар – 30 фоиз.**
  - Араблар – 25 фоиз.**
  - Саҳрои Кабирнинг жанубий ҳудудларидан келган африкаликлар – 3,4 фоиз.**
  - Европаликлар (боснияликлар, татарлар, косоволиклар ва б.) – 2,1 фоиз.**
  - Оқ танли америкаликлар – 1,2 фоиз.**
  - Жануби-шарқий Осиёдан кўчиб келганлар (малайзияликлар, индонезлар, филиппинликлар) – 1,3 фоиз.**
  - Кариб ҳавzasи атрофидан кўчиб келганлар – 1,2 фоиз.**
  - Турклар – 1,1 фоиз.**
  - Форслар – 0,7 фоиз.**
  - Испанзабон америкаликлар (Лотин Америкасидан кўчиб ўтганлар) – 0,6 фоиз.**




- ★ Куръон ва Суннага қатъий амал қиласиган деб ҳисоблайдиган Америка масжидлари: **90 фоиздан зиёд.**
- ★ Куръонни унинг мақсадлари ва бугунги вазиятдан келиб чиқиб олиб шарҳламоқ даркор деб ҳисоблайдиган Америка масжидлари: **71 фоиз.**
- ★ Муҳтоҷларга муайян ёрдам кўрсатаётган Америка масжидлари: **деярли 70 фоиз.**
- ★ Кун бўйи ишлайдиган мактаблари бўлган масжидлар: **20 фоиз.**

Юқорида келтирилган маълумотлар 2001 йил апрелда нашр этилган «Mosque in America: A National Portrait» («Америка масжидлари: мамлакат миқёсидаги таҳлил») маълумотномасидан олинди. Маълумотнома Америка конгрегацияларининг «Faith Communities Today» («Хозирги замон диний жамоалари») деб номланувчи йирик тадқиқотларининг бир қисмидир. Мазкур тадқиқот Коннектикут штатида жойлашган Хартфорд Семинарияси қошидаги Хартфорд диний илмий-тадқиқотлар институти томонидан мувофиқлаштириб борилади. Бу тадқиқотга куйидаги исломий ташкилотлар биргаликда ҳомийлик қилдилар: Америка-ислом муносабатлари кенгаши, Шимолий Америка Ислом жамияти, Имом У. Дин Муҳаммад раҳбарлигидаги диний бошқарма ва Шимолий Америка Ислом уюшмаси.

Ушбу нашрдаги барча диаграмма, жадвал ва чизмалар ҳам ана шу манбадан олинди.



1



2



3

1. 20 йил аввал Нью-Мексико штатининг шимолий қисмидаги Шимолий Африкага хос услугда қурилган Дор ул-Ислом масжид, мадрасас ва меҳмонхона мажмуидан иборат.
2. Мусулмонлар Абикви (Нью-Мексико штати) яқинидаги жойлашган Дор ул-Ислом масжиди ёнида намоз ўқишияпти.
3. Мемфис мусулмон жамиятида (Теннеси штати) ибодат чоғи.



4



5

4. Бутунамерика мусулмонлар кунига бағишенланган құшма намойишдан олдин Нью-Йоркнинг Мэдисон хиёбонида намоз үқилмоқда.  
5. Филаделфия масжидидағы Бова иттифоқи.

# Америка масжидлари

**Ү**тган асрнинг тўқсонинчى йилларида ўтказилган бир тадқиқотга кўра, Кўшма Штатларда 1200 масжид ва Ислом Марказлари мавжуд эди. Лекин улардан 100 тасигина аввалбошдан масжид сифатида лойиҳалаштирилган. Тадқиқотдан кўриниб турибдики, Кўшма Штатлардаги кўпчилик Исломий уюшмалар ўз фаолиятларини бошқа мақсадлар учун курилган биноларда бошлаганлар. Жумладан, уларнинг айримларида авваллар ўт учирин станциялари, театрлар, омбор ва дўконлар жойлашган эди.

1965 йилдан кейин Кўшма Штатларга турли мамлакатлардан келаётган мусулмонлар оқими кучайди-ю, бу ахвол ўзгарди. Айнан шу вақтдан бошлаб, исломий жамиятларга факат ибодатгоҳ, маҳаллий клуб ва маданий-маънавий марказ сифатида хизмат қиласидиган маҳсус масжидлар куришга киришилди. Ҳозирги кунда Америка мусулмонларининг мазҳаб ва этник жиҳатдан турли-туманлиги қад ростлаган масжидларнинг хилма хил меморий ечими ва шаклу шамойилида ўз аксини топаётir.

Масжидлар меморчилиги солномачиси ва сураткаш доктор Умар Холидий Кембриждаги Массачусетс технологик институти кошида фаолият кўрсатаётган «Исломий меморчиликни ўрганиш бўйича Оға Хон Дастири»да етакчи илмий ходим лавозимида ишлайди. У Кўшма Штатларда масжидлар бино этилар экан, уч хил меморий услугуб муваффакият билан кўлланиб келинаётганини таъкидлайди ва бу ҳолни шундай шарҳлайди:

«Биринчидан, шундай масжидлар борки, уларда бир ёки бир неча исломий мамлакатлarda мавжуд бўлган, ўзлаштирилган ва бирор-бир ўзгаришсиз Америка заминига кўчирилган анъанавий меморчилик услублари ўз аксини топган. Иккинчи хил масжидларда бу анъаналарга ижодий ёндошиб, бойитиб талкин қилинган, айримларида Америка меморчилик санъати унсурлари хам қўшилиб келади. Учинчи тур масжидларнинг меморий ечими бутунлай янгичадир. Индиана Штати Плейнфилд шаҳридаги Шимолий Америка Исломий жамиятининг биноси мана шу услугуда курилди.

Хар уч турдаги масжидларнинг аксарияти, шунингдек, синф хоналари, кутубхоналар, мажлислар зали, китоб дўконлари, ошхона, мулокот ва дам олиш хоналари, ҳатто турар-жой хоналари вазифасини хам ўтайди.

Масжидлар меморчилигининг аҳамиятга молик яна бир жиҳати – уларда аёллар ибодат қиласидан хоналарнинг мавжудлигидир. Аёллар Америкада масжидлар фаолиятининг ажralmas қисми ҳисобланадилар ва жамоалар ҳаётида фаол иштирок этадилар. Кўпчилик мусулмон оилаларининг ҳамма аъзолари намоз ўқишиди. Бу эса масжидларда аёллар учун



1. Индиана штати, Эвансвилл Ислом Марказининг кўча тарафдан кўриниши. Бу бино қурилишида Ўтра Фарбринг шаҳар атрофларига хос меморчилик услубидан фойдаланилган.
2. Индиана штати, Эвансвилл Ислом Марказининг ички кўриниши.
3. Плейнфилддаги Шимолий Америка Ислом Маркази оддий ва бежирим услубда курилган (1979 йил). Бу бинода масжид, кутубхона ва маъмурий бўлимлар жойлашган.






хам ибодат хоналари бўлишини тақозо этади, одатда булар болохона услубида қурилмоқда.


Шимолий Америкадаги масжидларнинг архитектураси кўпинча шу монтакага хос бўлган мөймормончилик анъаналарини ўзида мужассам қилган. «Замонлар ўтиши билан, мозийни қўмсаш ва ижодий изланишлар

ажойиб тарзда уйғунлашиб келган муайян мөйморий анъана шаклланиши муқаррар, – дея башорат қиласди доктор Холидий. – Farbda қад кўтараётган янги масжидларнинг минора ва гумбазлар билан мутлақо умумийлик жиҳатлари йўқ».

★




1. Темпедаги (Аризона штати) гумбаз ва минорали ушбу масжид анъанавий шарқона кўринишга эга.
2. Беверли-Хиллз шаҳридаги Жанубий Калифорния Ислом Маркази.
3. Катта Хьюстон Исломий жамиятининг ўтган аср 90-йилларида қурилган биноси (Техас штати).
4. Пуллмандаги (Вашингтон штати) бу Ислом Марказига ҳам анъанавий минора кўрк баҳш этиб турибди.
5. Чикаго шаҳри Ислом Мамлакатлари масжидининг ички кўриниши (Иллинойс штати).



6



7



8


6. Альбукерки (Нью-Мексико штати) Ислом Марказининг ўзига хос, илғор меъморий ечими ҳандаса имкониятлари, мавжуд макондан фойдаланиш, тузилманинг қурилиш ва ашёларини ишлатиш услуги ҳақидаги анъанавий тасаввурларни ўзгартириб юборади.

7. Ислом Маданий Марказининг бу биноси ишга тушгандан кейин (1991) Нью-Йоркнинг марказий қисмидаги кўркам обидалардан бири бўлиб қолди.

8. Вашингтон Ислом Маданияти Маркази, Колумбия Федерал округи. Обидлардан бири жума намозидан кейин бинонинг шарқона услугда ишланган нақшу нигорларидан баҳра олиш учун бир дақиқа тўхтаб қолди.



1



2



3

1. 2001 йил. АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг аҳли муслим денгизчилари Рамазоннинг биринчи кунида кема ичида намоз ўқишаяпти.

2. Собит эътиқодли бу обид покланиш ойи бўлган Рамазоннинг илк куни Нью-Йоркнинг энг муаззам масjidларидан бирида Қуръони карим оятларини ўқиб ўтирибди.

3. Аризона штатининг Жанубий тоги. Эр-хотин мўмин теран ва покиза туйғулар ила Рамазони шариф келгани нишонаси бўлмиш ярим ой чиқишини кутмоқдалар.



4. Американинг турли жойларидағи мусулмонлар Рамазони шарифни турлича нишонлайдилар. Рұза тутиш бу мұқаддас ойда адо этиладиган амалларнинг бир қысмидір. Мусулмонлар бир-бірларининг хонадонларыда, масжидларда рұзаны бирга очиш учун тұпланадилар, диндошлары ва ғайри-муслім дүстларини ифторға тақлиф қыладилар. Суратда: мусулмон оиласынан бирида оғиз очиши өткізу.

4



5. 2001 йил 5 январь. Вашингтонда Президент Буш Оқ уйнинг Давлат Зиёфатлар залыда үтадиган Ифтор маросимидан олдин Имом Абдулла Мұхаммад ал-Хұжа үқиётган Құръон оятларига қулоқ солиб турибди. Үндега: Давлат котиби Колин Паэлл.

6. Мусулмон аәл Сан-Францисконинг ўрта мактабларыдан бирида юқори синф үқувчиларига мусулмон тақвимиңдагы энг мұқаддас ой – Рамазоннинг мөхияти ҳақида сүзлаб беряпты.

5



1



2



4



3

1. Доктор Лайло Ҳаддод Дирборн соғлиқни сақлаш марказларидан бирида bemorning соғлигини текшираяпти.
2. Сотувчи Фримонтдаги дўконлардан бирида телефон орқали буюртма қабул қилаяпти. Бу даҳадаги дўконлар 60000 дан зиёд афғонларга хизмат қиласидилар.
3. Америкага Покистондан кўчиб келган ва Нью-Йоркда таксист бўлиб ишлайдиган бу мусулмон кунда беш вақт ўқийдиган намози унинг сермашақат хизматида қувват бўлишини таъкидлайди.
4. Нью-Йорк. Бруклинда жойлашган ичимликлар компанияси соҳиби тайёр маҳсулотларини намойиш қилмоқда.



5. Ижтимоий хизмат ходимлари Бруклиндаги «Америкалик арабларга ёрдам маркази» ёнида.  
6. Огайо штати Колумбус шаҳрида яшайдиган бу қиз озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш марказларидан бирида хизмат қилади.

6

# Эътиқод ва банк хизмати

Шерил Жин

**М**иннеаполислик Абдураззок Билла, эътиқоди мустақкам инсон, автобусда одам ташиш бўйича чоғроқ фирма ташкил қилмоқчи бўлганда, мушкул вазиятга тушиб қолди. Ўз ишини юргизиб юбориш учун Билла банкдан қарз олиши даркор эди, бироқ маълумки, Исломий ҳукмлар – Шариат қарзни қайтараётганда устама тўлашни, яъни рибони ҳаром килган.

Яқин-яқинча ҳам Биллага ўхшаган ишбилиармонлар бундай холларда боши берк кўчага кириб қолишарди. Бироқ, бу йил май ойида Билла Биродарлашган Шаҳарлардаги Кўмак гурухлари ёрдамида муҳожирларни инглиз тили дарсларига олиб бориб келадиган ўз фирмаси учун фоизсиз қарз олишга муваффақ бўлди.

Билла Сент-Полдаги Кичик Даҳаларни Ривожлантириш Марказидан 15000 доллар қарз кўтарди-да, 34 одам сифадиган мактаб автобуси сотиб олди. Мазкур марказ қарз берадиганда, Биллага уни қайтарар экан, топган фойдасидан йилига 2000 доллар тўлаб туриш шартини қўйди ва ҳозирча шу суммани олиб турибди, фойда фоиз ўрнида олинмоқда.

«Устама фоиз тўлагандан кўра, ишни йиғишириганим афзал», – дейди Билла. Унинг айтишича, юқоридаги имконият бўлмаганда, у автобус сотиб олиш учун маблағни ишлаб йиғишига ёки дўстларидан фоизсиз қарз олишга мажбур бўларди.

Биродарлашган Шаҳарларнинг мусулмонлари бутун ўтган йилни, амалдаги қонунларни бузмаган ҳолда исломий ҳукмларга мутаносиб килиш учун, қарз беришининг муқобил йўлларини қўллаш зарур эканлигини ҳукумат амалдорларига, кредиторларга, жамоат арбобларига тушунириш учун сарфладилар.

Банк хизмати вакиллари соҳанинг қонун-қоидалари қаттиқ эканлиги, шунинг учун мусулмонлар илтиносини қондириб муқобил сармоя ажратишни йўлга қўйиб бўлмаслигини айтмоқдалар. Ислом ва молия арбоблари факат бир фикрда яқдилдирлар: гап бу ерда шахсий ёки диний муаммо устида кетаётгани йўқ, юзага келган вазият муҳим ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Мазкур арбоблар, маблағ ажратишнинг муқобил йўллари ийқлиги мусулмон ишбилиармонлари фаолияти ва тараққиётини сусайтириди деб хисоблайдилар. Бошқа бирларининг фикрларича, бу холат мусулмонларнинг ўзларини тиклаб олишларига йўл бермай, бу худуддаги иқтисодий нуфузларини тушириб юборяпти.

Лекин шунга қарамай, исломий уюшмаларнинг миқдори ва бойликлари бутун мамлакат бўйлаб ўсиб бормоқда. «Ислом уфқлари» журнали маълумотларига кўра, АҚШ мусулмонларининг йиллик даромади

жон бошига 35000-45000 АҚШ долларига тенгdir, бу мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич (24000-27000 АҚШ доллари)дан баландроқdir.

Биродарлашган Шаҳарларда 75000 мусулмон истиқомат килади. Беш йилгина аввал бу миқдор 45000 кишига teng эди. Миннесота штатида эса 100000 аҳли ислом яшайди.

Нотижорат ташкилотлар муқобил маблағ таъминоти зарур эканлигини ишбилиармонлик фаолияти бўйича ўтказилган машғулотларда тушуниб ётдиilar. Бундай усул Қўшма Штатларга Сомалидан шу яқин ишлардаги кўчиб келган муҳожирларга айниқса аскотиши мумкин, чунки улар ислом аҳкомларига ўзгалардан кўра қаттиқроқ амал қиласидилар. Сомалилик қочоқлар Миннесотада мамлакатнинг бошқа жойларига қараганда кўпроқ, айрим маълумотларга қараганда, уларнинг миқдори бу штатда 40000 кишини ташкил этади.

Сент-Полдаги кичик даҳаларни ривожлантириш Марказининг директори Майк Темали бу йил бошқалардан илгарироқ «Рибосиз молиялаштириш» ташкилоти орқали кичик бизнесга сармоя ажратди. Темали мусулмон муҳожирлари қарз ололмаганлари учун ўз ишларини бошлашни истамаётганликларини кўриб шундай қилди.

Яқиндан эътиборан, бир неча ташкилот исломий ҳукмларга мос равишида сармоя ажратишни бошладилар ёки режалаштиримоқдалар:

- «Филипп Тараққиёт Уюшмаси Компанияси» ҳам, Миннеаполис худудларини ривожлантириш Маркази ҳам бир муассасанинг мусулмон соҳибиға фоизлик устамани маъмурият харажатлари учун тўловлар билан алмаштирган ҳолда маблағ ажратишиди.
- Миннеаполис худудларини ривожлантириш компаниялари консорциуми икки исломий муассасага тажриба дастури сифатида тўловлар йиғиш йўли билан сармоя ажратди. Бу нотижорат гурухлар икки йил мобайнида венчур (синов) капитал жамғармасини ташкил этишини режалаштираётилар.
- «Долсон ото Дилер» – Миннеаполисда бир йил муқаддам ташкил этилган, эски автомошиналар билан савдолашадиган дилерлик компанияси, ўз мижозларига фоизсиз маблағ қарз беришга тайёр эканлигини эълон қилди.
- Мамлакат миқёсида «Америка Молия Уйи» ва «Эм Си Ай Молия хизматлари» каби бир қатор компаниялар Миннесотада яшайдиган мусулмонларга енгил автомобиллар ва дастгоҳу жиҳозларни ижарага беришмоқда, ҳамда иморат куриш ва муассаса очиш учун фоизсиз сармоя ажратмоқдалар. Шунингдек, биноларнинг мусулмон соҳибларига ёрдам бериш чора-тадбирлари ўрганилаётir.



- Биродарлашган Шаҳарлардаги жамиятлар «Исломий кредит уюшмаси»ни ташкил этиш тадоригини кўрмоқдалар.
- «Уэллз Фаргоу ва Компания» ва «Юниверсити Банк» каби банклар ҳам исломий муассасаларга ёрдам бериш ва мусулмонларнинг хусусий уй сотиб олишлари учун маблағ ажратиш имконларини излаб кўраётилар.

«Бу масалани ҳал этиш ғоят мухимdir, – деб хисоблайди Вокиф Фаннун. У Биродарлашган Шаҳарлардаги кўплаб нотижорат ташкилотлар ва банкларга мусулмон ишбилармонларига сармоя беришини ташкил этиш масалалари бўйича маслаҳатлар беради. – Биродарлашган Шаҳарлардаги исломий уюшмалар ўн йилдан бери шу ҳаракатда юрибдилар».

«Миннесоталик кўчилик мусулмонларнинг банклардан анъанавий ўйл билан қарз олишдан ўзга иложлари йўқ. Шундай қилишга мажбурмиз. Тушунарли тартиб, тизим шунақа. Уни бир кечада ўзгартириб бўлмайди. Бирок, ҳар қалай тамал тоши қўйилди.»

Миннесота Ислом Марказининг директори ҳамид ал-Савоф таъкидлайди, гарчи ислом энг тез оммалашиб бораётган дин бўлса-да, мусулмонлар ҳануз ўз динлари моҳиятини жамият томонидан теранрок тушунилиши учун курашишга мажбур бўляяптилар».

#### **ФОИЗ ОЛИШ ВА БЕРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**

Африка, Осиё, Хиндистон, Яқин Шарқ ва Шарқий Европадан кўчуб келган мусулмонлар тарихи 1400

Сент-Пол ҳудудларини (Миннесота штати) Ривожлантириш Маркази билан фоизсиз молиялаштириш бўйича тузилган шартнома бу мусулмонга машина ва жиҳозлар сотиб олиш имконини берди. Булар унинг аҳоли ва муассасаларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган фирмаси учун даркор эди.

Йиллик ислом динига эътиқод қиласидилар. Ислом қонунлари ёки шариат Аллоҳнинг муқаддас китоби Кур’они каримда баён этилган хукмлар ва Мухаммад Пайғамбар таълимоти асосида шаклланган.

Ислом фоиз олиш, судхўрлик қилишни қатъий таъқиқлайди. Шариатга кўра, давлатманд одамлар омади юришмай турган кишиларга қарз бериб бойлик ортиришлари мумкин эмас. Маблағдан биргаликда фойдаланиши даркор, токи бутун қавм равнақ топсин.

Ушбу ақидага амал қилиш мусулмонларнинг кредит йўли билан уй-жой, автоулов харид қилишларида, билим олиш ва бошқа турдаги харажатлар учун

**Шерил Жин – «Pioneer Press» газетасининг ишбилармонлик фаолияти бўйича мухбири. Бу газета Миннесота Штати, Сент-Пол шаҳрида нашр этилади.**

*Авторлик ҳуқуқи © 2001 «Pioneer Planet»/Сент Пол (Миннесота) «Pioneer Press» TwinCities.com.*

хак тўлашларида, кредит варакаларидан фойдаланишларида муаммолар туғдиради.

Олган қарзини устама фоиз билан қайтариш муайян мусулмоннинг шариат ҳукмларига қайдаражада амал қилишидан келиб чиқиб катта ёки кичик муаммо пайдо килиши мумкин. Биродарлашган Шаҳарлардаги кўпчилик мусулмонларнинг мухташам ўйжойлари йўқ, банкларда жамғарма хисобига ҳам эга эмаслар. Мабодо, шундай хисоблари бўлганида ҳам, тушган фойдани хайрия ишларида бериб юборадилар.

Исломий аҳкомлар молиявий битимлардан факат олди-сотди бўйича шартномаларга, мулкни изжарага бериш ёки олиш, фоизсиз қарз бериш, таннарх устига маълум фойда кўриш бўйича битимлар, сармояни қимматбахо қофозлар тижоратига сарфлаш, ҳамкорлик ва ширкат кабиларга изн беради.

Усмон Али ҳам май ойида 400 хил маҳсулотни Тарикка, Миннеаполисдаги ресторонга етказиб бериш ва шу ресторонда ўтадиган тадбирларни тъзминлаш бўйича ўз ишини бошлаганида олди-сотди битимидан истифода қилди. Кичик худудларни Ривожлантириш Маркази 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Дож Караван» машинасини сотиб олди-да, сўнгра уни Алига бир йил мобайнида ҳар ой 443,64 доллардан тўлаш шарти билан 5323 долларга, фойдасига сотди.

Биродарлашган Шаҳарларнинг бошқа мусулмонлари муаммони ҳал қилиш йўллари чекланган бундай вазиятга тўқнаш келишгач, бошқа мўмин қавмлари каби, кўпроқ ўзлари тўплаган сармояга, кариндошлари ва дўстларининг ёрдамига суюниб иш кўрптилар. Улардан баъзилари, хусусан Сомали мусулмонлари жамосидагилар ишни ўз сармояларини жамлаб, ҳалфана қилиш йўли билан юргизиб юборишди.

Шундай мусулмонлардан бири Ҳалима Юсуф бир йил аввал Миннеаполисдаги сомалиларнинг Кармел Суқ савдо қаторларида «Зебо аёл» кийим-кечак дўконини очди. Ҳалима хоним, унинг сомалилик хамкори ва шу атрофда жойлашган яна тўртта дўкон сохиблари ўзига хос молиявий уюшма тузиб олишган. «Ҳар бир дўкон ҳар ойда ўртacha минг доллар миқдорида маблағ ташлайди, – деб тушунтириди у. – Тўпланган 5000 доллар маблағни битта дўконга берамиз. Кейинги ой шу маблағни навбатдаги дўкон олади ва ҳоказо. Жараён охирига етгач, яна бошдан қайтарилади».



Исломий ҳукмлар фоиз олиш ва беришни манъ қиласи, бу эса мусулмонларнинг каттароқ мулк сотиб олишларида қийинчлилик туғдириши мумкин. Уй соҳиби бўлган бу йигит Шарқий Африкада яшайдиган отасидан электрон почта орқали олинган маълумотни муҳокама қилиш ниятида ўтирибди.

Ҳалима Юсуф устамасиз бу пулларни Чикагодан, Нью-Йоркдан, чет эллардан сотиш учун олиб келинадиган кийим-кечаклар, пардоз анжомлари, идиштоворқ ва бошқа рўзгор буюмларига сарфлайди. Бироқ бозорининг касод бўлмаслиги, савдони кенгайтириши учун у кўпроқ мол сотиб олиши даркор, демак кўпроқ маблағ керак.

«Қай томондан қараманг, мұхожирлар жуда удабурон кишилардир ва ўзлари мансуб катта оиласынан маблағ олишга күпроқ мойиллар, – дейди Миннеаполис ҳудудларини ривожлантириш нотижорат корпорациялари бирлашмасынинг ижрочи директори Эд Лэмберт. – Бирок, шу хилдаги күмакни ўз вактида бера оладиган қавму қариндошлари йўқ мусулмонлар ҳам жуда кўп».

Бошка манбалардан маблағ қидиргандарда эса, мусулмонлар штатлар ва федерал ҳукумат қонунларидан иборат тўсиқларга дуч келадилар. Мусулмонларга ёрдам беришга бел боғлаган нотижорат жамоаларга ҳам молиялаштирув соҳасидаги ҳал қилинмаган муаммолар халақит берәтир.

Жумладан, бу йил мусулмонлар Кичик ҳудудларни Ривожлантириш Маркази дастуридан баҳраманд бўла олмадилар, негаки бу Марказнинг маблағи тугаб қолди. Марказ маблағни Миннесота савдо ва иқтисодий тараққиёт Департаментининг Шаҳар ташаббус дастуридан олишини мўлжаллаган эди, бироқ юридик мезонлар бунга йўл бермади. «Штатнинг қонунлари бўйича карз берилган маблағ ҳисобидан жиҳозу ускуна сотиб олиш ва қайсирир муассасага ижарага бериш тақиқланган», – деб шарҳлайди ахволни мазкур департаментнинг Шаҳар ташаббус дастури раҳбари Барт Бевинз.

Бевинз, келгуси йил амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳакида таклиф билан чиқилса керак, деган фикрда. Ҳозирча эса Кичик Ҳудудларни Ривожлантириш Маркази ўзининг Фоизсиз Маблағ Ажратиш Дастурини бажариш учун Миннеаполис жамғармасидан ўтган ой 100000 АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули олди.

## БАНКЛАР ФОЙИЗСИЗ САРМОЯ БЕРОЛМАЙДИЛАР

Биродарлашган Шаҳарлардаги мусулмонларга сармоя бериш ҳаракатига банклар эмас, нотижорат ташкилотлар раҳбарлик қилмоқдалар, сабаби, банкирлар амалдаги қонун-қоидалар билан кўл-оёқлари боғлиқ эканини айтмоқдалар. Мавжуд қоида ва мезонлар тизимини мусулмонлар эҳтиёжини ўйлаб ислоҳ қилиш бутун банк тизимини тубдан ўзгартириб юборган бўлур эди.

«Бу – бошқарув органлари учун мутлақо янги йўналиш, – дейди «Юниверсити Банк» директори Дэвид Рейлинг. – Ҳеч ким ниманидир қашфиёт қилмоқчи ҳам, бирорга шундай қилиш керак деб ўргатмоқчи ҳам эмас. Кимдир амалда қандайдир янгиликни қўллай бошласа ва ушбу янгилик мавжуд қоидаларга зид бўлмаса, бошқарув органлари уни атрофлича ўрганадилар ҳамда фойдалими – йўқми, ҳал қиладилар».

Банклар келиб чиқиши Лотин Америкаси ёки Осиёдан бўлмиш кўплаб этник гурухларга хизмат қилиш, таълим бериш борасида кўп иш қилишган, лекин мусулмонларни маблағ билан қўллашни қалтис тадбир деб билишади, негаки бу мавжуд қонунларни ўзгартиришни тақозо қилади. Шунга қарамай, Ўрта Фарб Ҳудудларни Ривожлантириш билан шуғулланувчи «Уэллз Фаргоу» компанияси вице-президенти Муффи Гэблер мана қандай фикрда: «Бу шундай бир вазиятки, биз уни албатта ҳисобга олишимиз ва ўнглаш ҳаракатидан бўлмоғимиз зарур. Нега деганда, гап янги бозорлар вужудга келиши хусусида бормоқда... Вокеаларнинг бундай ривожланиши мижозларимизнинг кўпайиб бораётган кисми билан боғлиқ».

Мусулмонлар дуч келаётган мушкулларни бартараф этиш мумкинми, деган саволга Миннесота Исломий кредит жамияти жавоб берса ажаб эмас. Ушбу жамиятни мусулмон жамоаларидан бири Ислом аҳкомларига муштарак молиавий тизимни ривожлантириш учун тузмоқчи. Бу мамлакатдаги илк исломий кредит уюшмаси бўлади.

«Мусулмонлар эътиборига кредит уюшмаси тувишдан кўзланган мақсад не эканлигини етказишига алоҳида аҳамият бераётган мазкур жамоа сармоя бериш ва топиш бўйича битимлар тўплайди. Бундан ташқари [www.icsmnn.org](http://www.icsmnn.org) электрон адресида веб-сайт очди, ҳамда исломий тадбирларда тарқатиш мақсади билан маърифий мазмундаги рисолалар нашр этди», – дейди мазкур уюшманинг ташкилотчиларидан бири Фавзи Обод.

«Бизни аллақандай ғайриоддий нарсанинг ташкилотчилари деб ҳисоблашларини истамас эдик. Биз истиқболига ишончимиз комил бўлган тизим ташкил этмоқчимиз, – дейди ўз мақсадларига шарҳ бериб Обод. – Бу биз ушбу жамиятда тўқнаш келаётган қатор муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади». ★

## ЖОРЖ У. БУШ НУТҚЛАРИДАН ИҚТИБОСЛАР



### ХУРМАТ ҚИЛАЙЛИК

**«Биз ислом деганда жаҳондаги миллиард қадар кишилар эътиқод қиладиган динни тушунамиз.** Бу дин миллиардлаб одамларга мадад, тасалли ва осудалик баҳш этади. Бу эса турли ирқ ва миллат вакилларини ака-сингилдай яшашлари учун замин яратади. Америкадаги фуқароларимиз орасида миллионлаб мусулмонлар бор, уларнинг мамлакатимиз олдидағи хизматлари бебаходир. Мусулмонлар орасида докторлар, адвокатлар, хукуқшунос профессорлар, ҳарбийлар, ишбайлармонлар, дўкондорлар, оталар, оналар бор. Шу кунларда улар ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ҳурмат ва эътиборга муҳтожлар. Ҳозир, қаҳру ғазабга тўлиб, асабларимиз қайнаб турган пайтда, юртдошларимиз бўлмиш барча америкаликлар бир-бирларини айниқса ҳурмат қилишлари зарур.»

– 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан бир неча кун кейин Вашингтон Ислом Марказида сўзланган нутқ, Колумбия Федерал Округи.

### ҚАЙФУДОШИМИЗ

**«Ватандошларимиз бир нарсани тушунишлари мухим: америкалик мусулмонлар мамлакатимиз бошига тушган фалокатдан ҳаммамиз қатори қайғу чекмокдалар.** Улар Америка билан ҳудди мен фаҳрланган каби фаҳрланадилар, ватанимизни ҳудди мен уни севган каби жону дил билан севадилар. Улар, бирорта ҳам америкаликка унинг ташки кўриниши, этник мансубияти ёки динига қараб баҳо бермаслик керак деган ишончимни тўла маъқуллайдилар. Мен мана шу тамойилга астойдил ишонаман, улар ҳам астойдил ишонадилар.»

– Вашингтондаги Афғонистон Элчихонасида сўзланган нутқ, Колумбия Федерал округи, 2002 йил 10 сентябр.

### ҲАЙИТ МУНОСАБАТИ БИЛАН

**Ушбу кун, Ийд ал-Адҳа байрамини нишонлаётган кунларида, Кўшма Штатларнинг барча мусулмонлари-ни қизғин табриклийман.** Энг табаррук байрамларингиздан бирининг маросимларини ўтказиш учун Маккага жам бўлган миллионлаб кишилар руҳидаги кўтаринкликка қўшиламан. Америка мустаҳкам маънавий замин устида қад кўтарган, эътиқодни улуғлаш ҳаётимизнинг бош мазмунидир. Сиз ҳозир исломнинг бешинчи фарзи бўлган ҳаж ибодатини адо этар экансиз, бу билан Иброҳимнинг яхудолик, насронийлик ва ислом динларида баробар эътироф этиладиганベンазир курбонлиги ва садоқатига эҳтиром бажо келтираяпсиз. Диний қадриятларингиз анъаналарини намойиш килиш билан маҳаллий жамоаларингиз аъзолари маънавиятини бойитаяпсиз. Ҳар йили Маккага зиёрат учун бораётган кишиларнинг мамлакат ва маданиятлари ранг-баранглиги ҳамда Кўшма Штатларнинг барча сарҳадлари бўйлаб Америка тараққиётига қўшаётган ҳиссангизнинг шакли ва турлари ҳаммамизни умуминсоний қадриятлар ва максадлар бирлаштириб турган пайтда орамизни этник ва ирқий тафовутлар бузмаслиги керак деган фикрни бизга эслатиб туради. Ўзаро ҳурматнинг мустаҳкам пойдеворини ўрнатиш билангина жаҳон халқлари орасида тинчлик ва муросага эришмоқ мумкин. Лора, менинг Сизга ҳар жабҳада эзгуликлар ёр бўлиши ва байрамни ҳуррамлик билан ўткизишингиз ҳақидаги тилакларимга қўшилади.

– Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан йўлланган табрик.

«Асли муҳожирларданман. Шу боис, бу юртда менга нисбатан кўрсатилган олижсаноб муносабат ва ёрдамдан беҳад миннатдорман.»

– Доктор И. Зархуний, Миллий тиббиёт институтлари ректори.



«Илму фан ахли башар тан соғлигини мустаҳкамай олиши борасидаги фикр кўп асрлардан бўён исломнинг устувор гояларидан биридир. Динимизда фан наиник тиббиётга, балки инсоният тақдирига ҳам равнақ бахш этиши мумкин, деган комил ишонч мавжуд.

Камина Жазоирда, Нидрома деб аталган шаҳарда туғилиб, вояга етганман. Тогам рентгенолог бўлгани учун болалик чоғимдан медицинага кўнгил кўйдим.

1975 йили Америкага келишим ҳамони, барча баравар: «Жонс Хопкинс институти тиббиёт оламининг Маккасидир, ана шу ерда ўқисанг келажагинг порлок бўлади», деб маслаҳат берди. Талабалик йилларим устозларимнинг лутфу нуфуслари остида ўтди. Улар менга: «Ҳаммамиз ҳам бу мамлакатда муҳожирмиз, турли-турли юртлардан келиб қолдик, лекин агар бирга бўлсак – яхлитмиз, бутунмиз», дейишарди.

Миллий тиббиёт институтларининг вазифаси соғлиқни сақлаша имида тараққиётга эришиш ҳамда инсониятга таҳдид қилаётган дарду касаллик

ларга даво топишdir. Бугун Вашингтонда 18000 илмий ходим 45000 лойиха устида изланиш олиб бормоқдалар. Институт жаҳон бўйича 45000 лойиҳани маблағ билан таъминлайди.

Агар биз қандайдир янги эмлаш дориси кашф эта олсак, эртага бу кашфиёт бутун дунё тиб ахлининг куролига айланади. Тадқиқотларимиз натижасида муолажанинг янги усулини топа олсак ҳам ундан бутун ер юзида фойдаланадилар. Шундай килиб биз барча саёрадошларимиз саломатлиги муҳофазаси илиа машғулмиз.

Менинг номзодимни бу лавозимга Президент Жорж Буш тавсия этган, Қўшма Штатлар Сенати эса уни тасдиқлади. Жаҳон мусулмон оммаси олдида турли, рўйи рост айтаманки, менинг фикримча, дунёнинг турли мамлакатларидан келган кишиларни ўз жамияти аъзолигига бундай очиккўнгил билан қабул қиласиган мамлакат ер юзида бошқа йўқ».


1



3



2



4



1. Имом Яхё Ҳиндий 2001 йилнинг 15 ноябр куни Вакиллар Палатаси-нинг Рамазон ойи ибтидосидан аввал ўтказилган сўнгги мажлисини дуо билан очди. Палатанинг спикери Деннис Хэстерт эҳтиром ила бош эгиб уни тинглаб турибди.

2. Имом Абдул Рашид Мұхаммад АҚШ пиёдалар қўшинидаги биринчи ислом уламосидир. Ушбу лавозимнинг жорий қилинишига ҳарбий хизматга кираётган ёшлар ҳамда ҳарбийлар орасида мусулмонларнинг кўпайиб бораётганлиги сабаб бўлди.

3. 2001 йил 19 сентябрда Жорж Буш жаҳонда энг кўп аҳоли яшайдиган Ислом давлати – Индонезия Президенти Хоним Мегавати Сукарнооптрини Оқ уйда қабул қилди.

4. АҚШ қуруқликдаги қўшинлари сержанти, қўшиннинг Вашингтондаги Уолтер Рид номли тиббиёт марказида ишдан аввал Қуръон мутолаа қилмоқда.

5



5. «Ийд муборак!» – АҚШ Алоқа хизмати томонидан Шимолий Америка Исломий жамияти йиллик құрултойининг очилиши ва ҳайит муносабати билан чиқарылған маркага ана шу сүзлар қайд этилған.



# «НЕЙТИВ ДИН» Мусулмонча рэп мусиқа

Филлис Макинтош

Америка ўсмирлари орасида жуда машхур бўлган услуб – кўча-кўйлар мусиқаси рэп садолари янграмоқда. Бироқ, у шинавандаларга етказимоқчи бўлган мазмун бу услуб учун хос бўлган гиёҳвандлик, зўравонлик каби одатий мавзулардан фарқли ўларок, некбинидир, умидбахшдир. Мана, «Ният» деган қўшикнинг сўзларига эътибор беринг:

Йўлдан адаштирса турли ниятлар, Шодлик келтиримоғи нечук мумкинди,

Мадад бер, Аллоҳ, деб ибодат қилгум, Ҳамма амалларим унинг учундир.

Музикада янаги вокеа бўлган бу йўналиш «Мусулмонча рэп» деб аталади ва у Қўшма Штатларда яшаётган мусулмонларнинг учдан бир қисмини ташкил этадиган афроамерикаликларга айниқса манзур бўлмоқда. Бундай рэп ижрочилари «Нейтив Дин»



Вашингтон канораларида яшайдиган бу йигитлар мутлақо американча бўлган ва ҳамма ёшдаги шинавандаларга манзур рэп услубида диндошлари ёшларни эътиқодда сабит ва комил бўлишга даъват қиласидар.

деб номланган гурух ташкил этишган. Эътиқодли мусулмонлар бўлиб ўсишган қора танли уч йигитдан иборат ушбу гурух аъзолари ўз истеъоддлари билан ёшларни замонавий ҳаёт ҳою ҳаваслари ва қийинчиликларидан ўз эътиқодларини омон асрашга даъват қилмокдалар.

Хар учовлари – Жошуа Салом (28 ёш) ҳам, Наим Мухаммад ва Абдул-Малик Аҳмад (иккаласи

26 ёшда) хам оиласи, жажжи фарзандлари бор. Концертлардан бўш пайтларда Салом Америка-Ислом Муносабатлари Кенгашининг фуқаролик хукуклари бўлимини бошқарди, Мұхаммад Аҳборот технологияларини тайёрлаш компаниясида хизмат қилади, Аҳмад эса веб-сайтлар яратади ва ёшларга жанговар кураш усувларини ўргатади.

«Нейтив Дин» гурухи исломий конференцияларда, маблағ йиғиши учун ўтказиладиган хайрия тадбирлари, тўйлар, байрамларда, борингки, ҳақиқий исломий тамошага зарурат туғилган ҳамма жойларда концертлар беришади. Йигитлар спиртли ичимлик ичиш ҳақидаги исломий таъқиқлар бузиладиган клубларга, ракс кечаларига бормайдилар, мусиқанинг кўпгина ўйналишларига ҳам майллари йўқ. Уларнинг аксарият қўшиқларига мусулмонларнинг Америкада ўз ўрнини топишлари, тонгларни ибодат билан қарши олиш, маънавий олам устидан моддий эҳтиёжлар устунлигига ўйл қўймай, ҳар турли телевизион шоулар ва видеоклиплар таъсирига берилмай, ўз эътиқодига содик қолиш каби мавзулар хосдир. Шундай қўшиқлар ҳам борки, уларда бевосита иймон-эътиқод ҳакида куйланмаса-да, гиёҳвандлик моддалари қабул килишдан, жинсий бузуклик ва мактабларда ёлғон-яшик гапиришдан сақланишга даъват қилинади.

Бу гурух аъзолари ўз қўшиқларининг сўзлари ҳатто энг қаттиқ ёул ота-оналарнинг-да эътиrozларига сабаб бўлмаслиги учун астойдил ҳаракат қилишади. «Биз қўшиқларимиз матнига кейинчалик тўрт яшар бола ўрганиб гапириб юрадиган бўлмагур сўз ва ибораларни киритмасликка уринамиз, – дейди гурух рахбари Салом. – Бизнинг мусиқанинг табиати шундайки, уни ота-оналар ва уларнинг фарзандлари бажонудил бирга-бирга тинглашлари мумкин. Ота-оналар ўзлари фарзандларини бизнинг қўшиқларни тинглашга ундайдилар.»

Африкалик мусулмонлар Мұхаммад Пайғамбар ўз таълимотида кўпчилик мусиқа созларини чалишни тақиқлаган деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам «Нейтив Дин» ўз концертларида кўпроқ анъанавий ноғоралардан фойдаланади. Гурухнинг видеоеёзувлари ва компакт-дискларида зарбалик чолғуларнинг кўп турларидан фойдаланилгани сабаби ҳам шунда.

Уч созанда бир неча йил мобайнида «Шимолий Америка мусулмон ёшлари» (ШАМў) ташкилотининг тадбирларида бирга ёки якка тартибда қўшиқлар айтиб юришгач, 2000 йилга келиб «Нейтив Дин» гурухини ташкил этишди.

Бошқа ижроичилар билан ҳамкорликда улар «ШАМЁ-РЭП» деган қўшиқлар ёзувини тайёрлашди, бу ёзувларни сотишдан тушган маблағ мусулмон ёшларнинг фаолияти, турли тадбирларини кўллаб-куватлашга сарфланмоқда. «Биргаликда мунтазам равишда гастроль сафарларига бориб концертлар бериб турганимиздан кейин, – ҳикоя қилади Салом, –

гурухимизга яхши ном топишга қарор қилдик. «Дин» арабча сўз, эътиқод, яшаш тарзи деган маънони билдиради. Шунинг учун, динимиз туғилганимиздан бошлаб руҳимизни нурафшон қилишини билдиришни истаб «Нейтив Дин» деган номга тўхтадик.»

Рэпга исломий мавзуларни олиб кириш атайлаб, олдиндан ўйлаб қилинган йўқ, дея изоҳ беради Салом. «Биз – қора танли мусулмонлармиз, шу ерда – Америкада вояга етганимиз, ҳаётий тажрибамиз шунда шаклланган, турган гапки, қўшиқларимиз ҳам шу заминда пайдо бўлди.»

Ёш машшоқларнинг овозаси ва шуҳрати атрофга тез тарқади, шу боис улар Калифорния, Техас ва Иллинойсда ўтадиган исломий тадбирларнинг азиз меҳмонига айландилар, бир гал ҳатто Англиядан ҳам таклиф келди, бироқ йигитлар бошқа жойларга боришига вайдалари борлиги сабабли ушбу таклифни рад этишди. Малайзия телевидениеларидан бири Кўшма Штатларга келиб гурух ҳакида фильм олгач, «Нейтив Дин»нинг малайзиялик ёшлар орасида ҳам муҳлис ва издошлари кўпайди.

Кейинги ойларда бу созандалар «Нейтив Дин»га ташриф буюр» деб аталган радиошу туфайли янада машхуррок бўлиб кетишиди. Эшилтириш маҳаллий радио орқали эфирга чиқади, уни Ислом радио тизими (ИРТ) нинг веб-сайти орқали бутун ер юзидағи шинавандалар тинглай оладилар. «Мусиқа, ёшларга хос иборалар, жонли эфирдаги мубоҳасадан иборат бу дастур кўпчилик ёшларни, хусусан, ўқувчи ва талабаларни ўзига жалб қилаётгани билан айни мудда бўлди», – деб ҳисоблайди ИРТ дастурлар директори вазифасини бажарувчи Суҳайб ал-Сайд. – Бу дастурда иштирок этаётган ижроичиларнинг ўз услублари бор, улар жуда ёқимтой йигитлар. Улар Америкада вояга этаётган ёшларнинг муаммоларини кўтариб чиқадилар, бу муаммоларни нимкулту, ҳазил аралаш муҳокама қиласидилар.

«Қўшиқларимиз ёш муҳлисларимизга манзур бўлаётгани, улардан кўплаб ҳатлар олаётганимиз айниқса қувончлидир», – дея эътироф этади Салом.

«Ўқувчиларининг ўзлари ҳам биз билан учрашиб, у ёки бу қўшиғимиз, дейлик, 9-синфни битириб олишга ёрдам бергани, ёки улар кўнглига биру бор Парвардигорни, имон-эътиқодни солгани, ишонч-ирода баҳш этгани ҳакида тортинмай, эмин-эркин тарзда гапириб берадилар.»

«Бугина эмас, «Нейтив Дин»ни тинглар эканлар, мусулмонлар Кўшма Штатларда ўз қўнгил мулклари бўлган нимадир туғилганини хис этмоқдалар, – қўшимча қиласи гурух рахбари. – Улар ўз хаётларига доир мавзу ва воқеаларни тараннум этувчи эстрада тамошаси борлигидан мамнунлар ва айтадиларки, қўшиқларнинг матни албатта арабча бўлиши шарт эмас. Оҳанг эса ўзимизники – американча, ёшларга ёқадиган, шунинг учун ҳаммага манзур». ★

*Бу ўз фикрингизни изҳор  
этмоқ учун имкониятдир.*

**Америка халқига айтадиган қандай гапларингиз бор?**

Ўз фикрингиз, таклифларингиз ва сизни қизиқтирган саволларни шу ерга қайд этишингизни сўраймиз.

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

Саҳифани йиртиб олинг ва қуидаги манзилларга жўнатинг:

**SURVEY RESPONSE**  
P.O. Box 1677  
JKS 12016  
Indonesia


**ёки**

**SURVEY RESPONSE**  
IIP/T/CP, SA – 44  
U.S. Department of State  
301 Fourth Street, S.W.  
Washington, DC 20547

Электрон почта адресимиз: **ИРТСР@pd.state.gov**

Америка мусулмонлари ҳамжиҳатлик кенгаши ва Америка халқи йўллаган мактуб.





Мортон Гроувлик бу ўқувчи қизалоқ ва унинг синфдошлари  
(Иллинойс штати) Америкада яшайдиган инглиззабон  
мусулмон болаларга атаб нашр этиладиган кўплаб ўқув ва  
бошқа қўлланмалардан ўзлари ёқтирганларини танлаб  
олиш имконига эгадирлар.

#### Суратларни тақдим этдилар:

Муқованинг усти: Жим Блэйр. Мундарижа:  
чап саҳифа, Жим Блэйр; «Норд Уинд Пикчер  
Аркайвз»; «Зе Фресно Би». 1: © Вольфганг Хойт/  
«Эсто»/«Архитект Скидмор, Оуингз энд Мер-  
рилл»; © 1999 Жозеф Родригес/«Блэк Стар»;  
«Нейтив Дин» ижозати билан. 2: «АП Уайд Уорлд  
Фотоуз (УФФ)»; Шейла Спрингстин/«КОРБИС»/  
«Сигма»; АП/УУФ. 3: Жеймс Кэмп/«Блэк Стар».  
4-8: Жим Блэйр (11). 10: Шейла Спрингстин/  
«КОРБИС»/«Сигма»; АП/УУФ (3). 11: Жеф  
Кристенсен/«РЕЙТЕРС»/«ТаймПикс»; АП/УУФ  
(3). 12: Крис Андерсон/«Орора»; АП/УУФ;  
© Дэвид Х. Уэллз/«КОРБИС». 13: © 1999 Жозеф  
Родригес/«Блэк Стар»; Жеф Кристенсен/  
«РЕЙТЕРС»/«ТаймПикс». 14-15: «Норд Уинд  
Пикчер Аркайвз». 16: АП/УУФ. 17: © «Халтон  
Аркайв»; АП/УУФ. 19: Чизма Хартфорд Илохиёт  
илмий-тадқиқот институтидан олинган маълу-  
мотлар асосида тайёрланган. 20-21: Минь-Чи Яо  
(2). 22: «Бостон Геральд». 24: «Кристиан Сайенс  
Монитор», АП/УУФ. 25: АП/УУФ. 26: «Глоуб  
Ньюсплейпер Компани Инкорпорейтед» нинг  
руҳсати билан эълон қилинмоқда. (2).  
27: «Кристиан Сайенс Монитор». 28: Стив Лисс/  
«ТаймПикс»; 29: «Исламик Хорайзенз» нинг руҳ-  
сати билан. © Моника Графф/«Имидж Юркс»;  
31: «Фресно Би»; Рик Лумис/«Лос-  
Анжелес Таймс Фотоу». 32: Луис Синко/  
«Лос Анжелес Таймс Фотоу». 33: Рик Лумис/  
«Лос-Анжелес Таймс Фотоу». 34: «Макканн-

Эриксон» (4). 35: Чизма Хартфорд Илохиёт  
илмий-тадқиқот институтидан олинган маълу-  
мотлар асосида тайёрланган. 36: АП/УУФ;  
© Стив Лисс/«Гамма Лиэйзон»; Барри  
Фитцжеральд/АҚШ Давлат департаменти.  
37: АП/УУФ; © Дэвид Х. Уэллз/«КОРБИС».  
38-39: «Сауди Арамко Уорлд» руҳсати билан (3).  
40: Умар Холидий руҳсати билан (2); Скотт  
Альфиери/«Гамма Лиэйзон»; Умар Холидий  
руҳсати билан; Дэниел Лейн/«КОРБИС».  
41: Керк Гиттинз; © Вольфганг Хойт/«Эсто»/  
«Архитект Скидмор, Оуингз энд Меррилл»; Кен  
Лэмберт. 42: АП/УУФ (2); Пэт Шаннахэн руҳса-  
ти билан фойдаланилган/«Аризона Рипаблик»,  
16/11/2001 й. 43: АП/УУФ (2); Лиз Хафала/  
«Сан-Франсиско Кроникл». 44: АП/УУФ;  
Жули Плансенсисиа/«Сан-Франсиско  
Кроникл»/«КОРБИС САБА»; © 1999 Жозеф  
Родригес/«Блэк Стар»; АП/УУФ. 45: © 1999  
Жозеф Родригес/«Блэк Стар»; АП/УУФ.  
47-48: Ричард Маршалл/«Сент-Пол Пайониэр»  
(2). 50: Оқ уй. 51: АП/УУФ; «Макканн-Эриксон»  
(3). 52: Пол Хоузфрос/«НИТ Пикчерз» (2).  
53: «РЕЙТЕРС»/«ТаймПикс». 54: «Нейтив Дин»  
руҳсати билан (2). Муқованинг ички орка қисми:  
Кэтлин Берк/«Сауди Арамко Уорлд». Муқованинг  
орка қисми: АП/УУФ.

МАСЬУЛ МУҲАРИР:

**Жорж Клэк**


МУҲАРИР:  
**Чэндли Макдональд**

БАДИЙ БЕЗАШ БҮЙИЧА МАСЬУЛ:  
**Минь-Чи Яо**

ФОТОТАДҚИҚОТЛАР:  
**Мэгги Жонсон Слайкер**  
**Жон Уайкарт**

РИСОЛАНИ ЎЗБЕК ТИПИДА  
НАШРГА ТАЙЁРЛАДИЛАР:  
**Лутфулло Махмуд**  
**Аъзам Обидов**  
**Усмон Кўчкор**  
**Сарвар Очилов**  
**Дилдора Нуриддинова**

Produced by  
Regional Program Office, Vienna  
(Muslim Life in America/Uzbek)



Асли Покистондан бўлган бу америкалик мўмин Вашингтон Ислом марказида ибодат  
килиб ўтирибди, Колумбия Федерал округи.

АҚШ Давлат департаментининг халқаро ахборот дастурлар бўлими  
<http://usinfo.state.gov>